27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2015-yil 25-iyun, №25 (962)

Бош прокуратурада

## Вазифалар белгилаб олинди

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишда жиноят содир этиб дастлабки тергов органлари ва суддан яширинган шахсларга нисбатан олиб борилаётган тезкор-қидирув фаолияти, диний экстремизм, терроризм ва давлатнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш, дастлабки тергов жараёнида процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал этиш ишлари ҳамда бу борадаги прокурор назоратининг аҳволи муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этиш, суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни қидириш фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга, инсон ҳуқуқларини халқаро стандартлар даражасида мустаҳкамлашга қаратилган изчил, тизимли ислоҳотлар, бу борада қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, айниқса, процессуал мажбурлов чоралари тизимига янги, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси киритилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан дастлабки тергов жараёнида процессуал мажбурлов чораларини қўллашда ҳамда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал этишда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Бундан ташқари, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашишда, давлат ва конституциявий тузумни мустаҳкамлашда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат идоралари томонидан барча имкониятлар сафарбар этилган ҳолда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, бу тоифадаги жиноятларга қарши курашиш ҳамда бу борада ўтказилаётган профилактика тадбирларини янада кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мазкур соҳаларда йўл қўйилган айрим камчиликлар танқид остига олинди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан прокуратура ва ички ишлар органларининг соҳага масъул раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда соҳавий фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан масъул идоралар олдига вазифалар қўйилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

**Бош прокуратура матбуот хизмати**



## Масъулиятли палла бошланди

***Мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида 2015-2016 ўқув йили учун қабул жараёни давом этмоқда***

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ҳар бир шахснинг билим олиши, меҳнат қилиши ва эркин касб танлаши Конституциямизда кафолатланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, битирувчи ёшларимиз айни кунларда ўз ҳаётидаги энг муҳим қарорларидан бирини қабул қилиб, ўзлари қизиққан касбни эгаллаш учун илк қадамларини ташламоқдалар.

Юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида навқирон авлодда мутлақо янгича тафаккур, ўқишга алоҳида масъулият ва иштиёқ шаклланди. Эндиликда ҳар бир йигит-қиз ўз келажагини пухта билим олиб, Ватан равнақи, унинг гуллаб-яшнаши йўлида самарали меҳнат қилиш билан уйғун ҳолда кўрмоқда.

Йигит-қизларнинг таълим олишга бўлган иштиёқи ортаётганининг яна бир сабаби олий ўқув юртларида таълим олиш, билимларни бойитиш, зарур маърифий манбаларни топиш учун ахборот-ресурс марказларининг энг сўнгги технологиялар билан таъминланаётгани, талабалар турар жойларида яшаш учун қулай шароитлар яратилаётганидир. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори олий таълим муассасалари фаолиятини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш, уларни замонавий дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий лабораториялар билан таъминлашда дастуриламал бўлмоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда университетлар, меҳнат бозоридаги талабга кўра янги олий таълим муассасалари ташкил этилиб, уларда ёшлар ўзлари қизиққан йўналиш бўйича мутахассисликка эга бўлмоқда. Бу юқори билим ва малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, барча ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантириш, янги-янги иш ўринларини барпо этиш, халқимиз ҳаёти фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Айни кунларда юртимиздаги барча олий ўқув юртларида абитуриентларга ҳужжат топшириш жараёнида зарур бўладиган ўқув қуроллари савдоси, суратга олиш, овқатланиш, кутувчиларнинг дам олиши учун махсус жойлар ташкил қилинган.

Хуллас, олтин давр остонасида турган ёшлар учун қизғин ва айни пайтда масъулиятли палла бошланди. Абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш жараёни жорий йилнинг 20 июлига қадар давом этади.



Эътироф

## Ҳаққонийлик, ҳозиржавоблик ва холислик сари



***Президентимиз Ислом Каримовнинг 1993 йил 24 июндаги Фармони билан Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни белгиланди. Фармонга кўра, ҳар йили 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами сифатида кенг нишонланадиган бўлди.***

Хўш, журналистларнинг касб байрами нима учун айнан 27 июнда нишонланади? Боиси шундаки, бундан 109 йил муқаддам, яъни 1906 йил 27 июнда Туркистонда "Тараққий" номли газетанинг нишона сони ўзбек тилида босмадан чиққан эди.

"Тараққий" ўзининг илк сонларидан бошлабоқ эрк, ҳуррият, истиқлол ғояларини тараннум этиб борди. Газета миллатни дунёвий билимларни эгаллашга, жаҳон янгиликларидан бохабар бўлишга, қаддини бошқалар олдида ростлашга, мавҳеини тиклашга ундади. Шу боис миллий уйғониш, миллий тараққиёт ғоялари билан майдонга чиққан ушбу нашр дунё юзини кўрган сана юртимизда чинакам миллий матбуот юзага келган кун сифатида нишонланадиган бўлди. Бу куннинг байрам сифатида нишонланишини аждодларимиз хотирасига чексиз эҳтиром рамзи деб баҳоламоқ керак.

Бу санани ўткир ва таъсирчан кучга эга бўлган, оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли ишга ҳаётини бағишлаган, халқимизни ахборот билан таъминлашдек олижаноб ишни касб қилган журналистларгина эмас, балки матбаа корхоналари ходимлари ва барча юртдошларимиз ҳам кенг нишонлайдилар.

Журналистлик — ижтимоий ҳаётда шарафли касб эканлиги, халқимизнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиб яшаш, шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замонда одамларимизга, эл-юртимизга муносиб маслакдош ва суҳбатдош бўлиш, уларни янги марра ва уфқлар сари чорлаш журналистнинг зиммасида эканлиги барчага аён ҳақиқат.

Президентимиз Ислом Каримов: "Мен ўз фаолиятим давомида журналистларнинг ишини яқиндан билиб, кузатиб келаётган бир инсон сифатида бу соҳанинг қандай нозик ва масъулиятли эканини, таъбир жоиз бўлса, баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғлик қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли эканини ўзимга яхши тасаввур қиламан", деганлари бежиз эмас.

*(Давоми 5-бетда)*

*Биз барпо этишга интилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида барча субъектлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар қонун билан тартибга солинган бўлиши талаб қилинади. Шу маънода мамлакатимизда амалда бўлган қонунларда нафақат истеъмолчиларнинг, балки электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ва ичимлик сувини етказиб берувчи корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам аниқравшан белгилаб қўйилган. Бу борадаги қонунлар ижроси прокуратура органлари томонидан мунтазам равишда назорат қилиб борилмоқда.*

# Масъулиятни унутманг

Азамат ЭШОНҚУЛОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори

Улгуржи истеъмолчиларга етказиб берилган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ва ичимлик сувидан қарздорлик ўтган йил бошига нисбатан камайишига эришилган бўлса-да, бу борада аҳоли ўртасидаги қарздорлик бирмунча ошган. Ҳудудда мавжуд қарздорликни камайтириш ҳамда коммунал тўловларни вақтида ундириш чора-тадбирлари белгиланган бўлиб, шу мақсадда ишчи гуруҳлари тузилган ва прокуратура органлари томонидан истеъмолчиларга ҳисобланган қарзларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш борасида ҳисоботларда акс эттирилган қарзлар шаҳар, туманлар миқёсида алоҳида таҳлил қилинмоқда.

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда қарзни тўлашни пайсалга солган қўрмаган истеъмолчиларга, ўзбошимчилик билан тармоққа уланган ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда. Масалан, "Шимолгазтаъминот" унитар корхонасининг Чимбой филиали мансабдорлари 2014 йилнинг 4 ойи давомида компьютер дастурига номаълум истеъмолчи 770,7 млн. сўмлик табиий газ сарфлаганлиги ҳақида сохта маълумот киритиб, нореал қарздорликни юзага келтирганликлари аниқланиб, айбдорларга ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Бу каби муаммоларни ҳал қилиш учун аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот тадбирларини олиб бориш, шу орқали истеъмолчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, таъминотчи корхоналар раҳбарларининг масъулиятини ошириш лозим.

*Инсон борки, яхши яшашни орзу қилади. Бунга эришиш учун эса маблағ керак. Инсон энди шу маблағни топиш учун ҳаракат қилади. Турли-туман йўлларини излайди. Агар ишбилармон бўлса, тадбиркорликнинг бошини тутиб, тез орада кўзлаган мақсадига эришади ҳам. Аксинча бўлса-чи?!*

# Бировнинг ҳақи буюрмайди

Хусанхон СОДИРОВ,
СВОЖЖДЛКК департаментининг Яшнобод туман бўлими катта суриштирувчиси

Бухоро вилоятида туғилган Дилшод Собиров ҳам ўзи хоҳлагандек яшашни орзу қиларди. Аммо бунга эришиш учун тўғри йўлни танламади. Нафсининг домига тушиб, тез ва осон пул топишни мақсад қилди. Оқибатда эса...

Ўтган йилнинг май ойида интернетдаги сайтлардан бирида яхшигина маош тўланадиган иш тўғрисидаги эълонни кўриб қолган Дилшод вақтни ўтказмай, ушбу сайтга ўзи ҳақидаги маълумотларни киритди. Уч кундан кейин унга Борис исмли нотаниш одам қўнғироқ қилиб, маълумотлари маъқул келганини, маоши ойига бир ярим млн. сўм эканини, ўзи яшайдиган хонадондан ташқари яна бир-иккита уй топиш кераклиги, тез кунда компьютер жамланмаларини юборишини, уларни ўша уйларга жойлаштириши кераклигини айтади.

Дилшод ўша куниёқ ишга киришди ва Яккасарой туманида яшайдиган қариндоши ҳамда Яшнобод туманида истиқомат қилувчи танишидан уйларидан бир хонасини ажратиб беришларини илтимос қилди. Орадан кўп ўтмай Борис интернет орқали у билан боғланиб, компьютер жамланмаларини юборганини маълум қилди. Эртаси куни бир йигит компьютерларни келтириб берди ва Дилшод уларни келишилган хонадонларга ўрнатди. Уч-тўрт кундан кейин эса Бориснинг номидан келган бошқа бир одам унга мамлакатнинг турли ҳудудларида рўйхатдан ўтган бир неча нафар хусусий тадбиркорларнинг номига расмийлаштирилган 156 дона СИМ картани берди.

Керакли нарсаларга эришган Дилшод интернет орқали ноқонуний халқаро телефон алоқалари тизимини ташкил қилиб, ишга киришди. Икки ой давомида махсус рухсатномасиз амалга оширилган қўнғироқлар 2 млн. 656 минг 230 дақиқани ташкил қилади. Бу билан эса "Ўзбектелеком" акционерлик компаниясига нақд 148 минг 748 АҚШ долларидан ошиқроқ миқдорда зарар етказилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Д.Собировнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

Интернет тармоғини текин даромад манбаига айлантириб олмоқчи бўлган мазкур кимсага жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди томонидан тегишли жазо тайинланди.

# Имтиёз ва имкониятлар

*Олтиариқ туман прокуратураси томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ижроси мунтазам равишда таҳлил қилиб борилмоқда. Шунингдек, бу борада янги иш бошлаётган, фаолиятини кенгайтираётган юридик шахсларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилаётир.*

Ғайратжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Олтиариқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Кичик бизнес субъектлари ишни тўхтатганининг сабабларини ўрганилиб, фаолиятларини қайта тиклаш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, ўтган йил мобайнида 17 та, жорий йилнинг ўтган даврида 4 та корхонанинг фаолияти қайта тикланди. Йил бошидан буён ишонч телефонига мурожаат этган фуқаролардан 4 нафарининг якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилиши таъминланди.

Бундан ташқари, айни чоғда туман прокуратураси томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонун ва қонуности ҳужжатлари тарғиботига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, бевосита мулоқотларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган қулай имконият ва имтиёзлар хусусида ҳам батафсил маълумот бериб борилмоқда.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан туман прокуратураси томонидан ташкил этилган навбатдаги йиғилишда давлат рўйхатидан ўтиш, статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартиб-таомилларини қисқартириш, солиқ ставкаларини камайтириш, фаолият кўламини кенгайтириб, янги иш ўринлари яратишни рағбатлантириш, банк хизматлари кўрсатиш, кредит ажратиш жараёнларини такомиллаштириш, интерактив хизматларни жорий этиш мақсадида қонунчиликка киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидлаш жоизки, қулай ишбилармонлик муҳитида тадбиркорлик субъектларининг сафи кенгаймоқда. Янги иш ўринлари яратилиб, меҳнат ва бандлик муаммолари ҳал этилган ҳолда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иш билан таъминланмоқда. Туманда 2015 йил дастурига асосан январь-апрель ойларида 1106 та иш ўрни яратилган бўлиб, шундан 75,1 фоизи ёки 790 таси фаолият кўрсатаётган ва янгидан ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобига тўғри келмоқда.

Жорий йилда туманда 22,4 млрд. сўмлик 414 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Янги интенсив боғлар, токзорлар барпо этилмоқда. Эски боғлар, токзорлар реконструкция қилинмоқда. Шунингдек, тасдиқланган дастурга асосан 2 та иссиқхона, 3 та омборхона қурилиши бошланган. Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида 195 та лойиҳани амалга ошириш устида иш олиб борилаётир. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши жараёнида янги ва қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

# Кун тартибида тадбиркорлик

*Учтепа туман прокуратураси ташаббуси билан "Тадбиркорлик фаолияти — давлат ҳимоясида" мавзусида тадбиркорлар билан учрашув бўлиб ўтди.*

Асрор ТУРҒУНОВ,
Учтепа туман прокурорининг ёрдамчиси

Тумандаги "Димакс саноат савдо кўргазмалар бизнес маркази" кўргазмалар залида ўтказилган тадбирда Тошкент шаҳар ва туман прокуратураси масъул ходимлари, давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарлари, банк бошқарувчилари ҳамда тадбиркорлар иштирок этдилар.

Йиғилишда сўзга чиққанлар тадбиркорлик фаолиятининг қонун билан белгиланган кафолатлари, солиқ ва бож имтиёзларига тўхталиб ўтишди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам батафсил сўз юритилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширувлар натижасига кўра 10 та ҳолатда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Мутасадди идоралар билан ҳамкорликда иқтисодий ночор корхоналар ҳамда вақтинчалик фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектларининг ишини қайта тиклашга қаратилган амалий ёрдами натижасида 10 та корхонанинг фаолияти қайта тикланишига эришилди.

Шунингдек, учрашувда тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар тўғрисида тайёрланган буклетлар, ишонч телефонлари қайд этилган рўйхат тадбир қатнашчиларига тарқатилди.

Йиғилишда қатнашган тадбиркорларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш борасида юзага келаётган муаммоларнинг сабабларини ўрганиш юзасидан сўровномалар тарқатилди. Унда иштирок этганлар чет эл валютасини конвертация қилиш, биржадан хомашё олиш, ер майдони ажратиш каби муаммоларга дуч келганликларини билдиришган. Уларнинг ушбу мурожаатлари тегишли мутасадди идораларга юборилиб, масалаларнинг ҳал этилишини назорат қилиш вазифаси топширилди.

Тадбир якунида мутасадди идоралар вакиллари тадбиркорлик субъектлари томонидан ўртага ташланган саволларга жавоблар беришди.

# Сохта фаррош

*Баҳром Салоҳиддинов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 27 ёшда, олий маълумотли. У яхшигина вазифада иш бошлади. Икки йилга яқин ишлаб, ҳамкасбларининг эътиборини қозонди.*

Зуҳриддин БОЙЗОҚОВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим катта терговчиси

Аммо нафс уни эгри йўлга бошлади. Бу йўлда у ўзига "ҳамфикр" ҳам топди. У ёши қирқдан ошган, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата оладиган, 4 фарзанднинг онаси, масъулиятли вазифанинг эгаси бўлган Фазилат Ғаффорова эди.

Хуллас, Б.Салоҳиддинов Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлимида пенсия ва нафақаларни тайинлаш гуруҳи инспектори, Фазилат Ғаффорова эса "Ҳужжатларни илмий техникавий қайта ишлаш нодавлат архиви" МЧЖ бошлиғи лавозимида ишлар эди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Б.Салоҳиддиновнинг ҳузурига бир аёл кириб, 54 ёшда эканлиги, пенсияга чиқмоқчилигини айтади. Инспектор қонунга биноан аёллар 55 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга эканлигини, агар иш стажи 20 йил бўлса, имтиёзли равишда 54 ёшдан пенсияга чиқиши мумкинлигини тушунтиради. Аммо аёл иш стажи у даражада эмаслигини айтиб, агар иложи бўлса ёрдам беришини илтимос қилади. Б.Салоҳиддинов шу заҳоти ёрдам беришга тайёр эканлигини билдириб, уни ноқонуний йўлга бошлайди. Яъни архивга бориб, бир танишига учрашишни тайинлайди-да, бу ўз-ўзидан бўлмаслигини тушунтириб, ёрдами учун ундан 700 минг сўм сўрайди. Аёл рози бўлиб, унинг ёнидан чиқади.

Аёл архив идорасига бориб, Б.Салоҳиддинов айтган шахс, яъни архив директори Ф.Ғаффоровага учрашади...

Тез кунда архив маълумотномаси тайёр бўлади. Унда аёл 1993-2007 йилларда "Наманганғўштсутсавдо" ОАЖда фаррош бўлиб ишлаганлиги қайд этилиб, иш ҳақлари кўрсатилган эди. Жамиятнинг "Ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошини ҳисоблаш китоби"га сохта маълумот, ёзув ва ўзгартиришлар киритилади. Шундай қилиб, ҳам аёлнинг "ҳожати чиқди", ҳам 700 минг сўм "ҳожатбарор"ларнинг чўнтагига тушди. Ана шу йўл билан 2014 йилнинг январь ойида бу аёл пенсионер сифатида 3 ойлик пенсия пулини олади.

Албатта, қинғир ишнинг қийиғи чиқиши учун кўп вақт керак бўлмади. Олиб борилган текшириш ва суриштирувлар натижасида Б.Салоҳиддинов ҳамда Ф.Ғаффорованинг қилмишлари ўз исботини топди. Улар суд ҳукмига кўра тегишли жазога тортилди.

# Давлат дастури ижроси – бирламчи вазифа, ҳам масъулият, ҳам бурч

*Ёши улуғ инсонларга бўлган ҳурмат туйғуси қон-қонимизга сингиб кетган. Бундай инсонлар қаторида нафақат ота-онамиз, балки устозларимиз, маслаҳатгўйларимиз, керак бўлганда тўғри йўл танлашга камарбаста бўладиган кексаларимиз ҳам бор. Шу сабабдан ҳам уларни ардоқлаймиз, эъзозлаймиз.*

Бахтиёр ЖОНИКУЛОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг ўринбосари

Муҳтарам Президентимиз 2015 йилни "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилиб, халқимиз руҳини кўтариб юборганлигининг боиси ҳам шунда. Йилнинг шундай табаррук инсонларга бағишлангани кексаларга ҳурмат каби азалий анъаналаримизни яна бир бор улуғлаш билан бирга, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклади. Зеро, умрни эзгу ишларга бағишлаш ҳар бир инсон учун шарафли бурчдир. Муҳтарам Президентимизнинг 2015 йил 18 февралдаги Қарори билан тасдиқланган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури бу йўналишда қилишимиз керак бўлган ишлар қамровини янада оширди, анъаналаримизни бойитди десак, муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида 50 нафар уруш қатнашчиси, 1314 нафар меҳнат фронти қатнашчилари истиқомат қилади. Шу табаррук инсонларнинг ҳурматини жойига қўйиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишлари янада кучайтирилди.

Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ёлғиз кексалар ва пенсия ёшидаги ногиронларнинг уй-жойларини 2015-2017 йиллар ичида таъмирлаш учун Сирдарё вилояти бўйича жами 946,5 миллион сўмлик харажатлар кўзда тутилган. Бугунги кунга қадар эса 70 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди.

Вилоятимизда ишлаб чиқилган дастурга асосан 102 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, шунингдек, ёлғиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кексаларнинг уй-жой шароитлари яхшиланди. Бундан ташқари, кекса отахон ва онахонларимизнинг саломатлиги ҳам назорат остига олинган. Бугунги кунга қадар 20635 нафар кексалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, бу тадбирга республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва тиббиёт олий ўқув юртларининг етакчи мутахассислари ҳам жалб этилди. Муҳтож фуқаролар зарур тиббиёт воситалари билан таъминланмоқда. Масалан, вилоятда протез-ортопедия воситаларига муҳтож фуқароларнинг 60 нафари шундай воситалар билан таъминланди.

Инвестиция дастурига асосан 2015 йилда Янгиердаги "Мурувват" интернат уйида янги 60 ўринли ётоқхона биносини барча қулайликлари билан қуриш ишлари учун 3,5 миллиард сўм ажратилди. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Афсуски, мутасадди раҳбарлар орасида ишнинг моҳиятини чуқур англаб етмаган, ўз вазифасига совуққон муносабатда бўладиганлар ҳам учраб турибди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилаётган текширишларда Сайхунобод, Сардоба, Сирдарё туманлари, Янгиер, Ширин шаҳар ҳокимликлари томонидан Президентимизнинг 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга қаратилган Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тузилган ишчи гуруҳлари фаолиятида бир қатор камчиликлар ва ишга масъулиятсизлик ҳолатлари қайд этилди ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Айрим ҳолатларда эса давлат бюджетидан пенсия ва нафақалар тўлови учун ажратилган маблағларни талон-торож қилувчи шахсларнинг кирдиркорлари фош этилиб, жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Ховос туман бўлимида пенсия тайинлаш инспектори вазифасида ишлаган Х.Ортиқбоев 2008 йилнинг октябридан 2010 йил ноябрига қадар компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларини растрата қилиш орқали талон-торож қилганлиги учун жавобгарликка тортилди. Суд унинг қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ тўлаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топди ва ўз ҳукми билан қонун доирасида жазо тайинлади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида Самарқанд вилоятида мавжуд 233 та маданият уйи негизида 95 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ташкил этилиши белгиланган.*

# Маданият масканларидаги лоқайдликлар

Азизбек ВАҲАБОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Шунингдек, ушбу марказларнинг 2013 йилда 3 таси, 2014 йилда 18 таси, 2015 йилда 22 таси, 2016 йилда 18 таси, 2017-2018 йилларда эса 17 таси капитал таъмирланиши, реконструкция қилиниши ҳамда янгидан бунёд этилиши кўзда тутилган. Бироқ, 2014 йилда таъмирланиши режалаштирилган 18 та маданият ва аҳоли дам олиш марказларидан 6 таси 2015 йилга қолдирилган. Таъмирланаётган 12 та марказнинг бирортаси бугунги кунга қадар фойдаланишга топширилмаган. Мазкур объектларга бириктирилган вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг масъул ходимлари, техник назоратчилар ва пудратчиларнинг эътиборсизлиги туфайли эса ажратилган 4 млрд. 545 млн. сўм маблағнинг 877 млн. сўми ишлатилмаган.

Бундан ташқари, 2015 йилда дастурга асосан таъмирланиши белгиланган 22 та марказнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари бугунги кунга қадар тўлиқ тайёрланмаганлиги бепарволик, ўзибўларчилик ҳамон давом этаётганидан далолат эмасми?!

Шу боис, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори ижросини жадаллаштириш мақсадида жойларда маданият ва аҳоли дам олиш марказлари аҳволи таҳлил қилинди. Аниқланишича, Самарқанд шаҳридаги 2-сонли маданият ва аҳоли дам олиш марказининг томоша зали низом бўйича 250 ўринга мўлжалланиши лозим бўлса-да, 200 ўринли зал фойдаланишга топширилган. Айни пайтда 5 ва 6-сонли марказларда томоша заллари умуман йўқ. 4, 7 ва 8-сонли марказларда томоша заллари қурилиши кўзда тутилмаган.

Маданият ва спорт ишлари бўлимлари раҳбар ва ходимлари томонидан бу жараёнга масъулиятсизлик билан ёндашилганлиги, назорат ва мувофиқлаштириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, ижро интизоми сусайганлиги сабабли вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай ҳолатларга гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, Каттақўрғон шаҳридаги 2 ва 3-сонли, Жомбой туманидаги 4-сонли, Оқдарё туманидаги 4-сонли, Пахтачи туманидаги 3 ва 6-сонли, Қўшработ туманидаги 1-сонли ҳамда Нарпай туманидаги 3, 4 ва 6-сонли марказларнинг томоша заллари йўқ.

Ўрганишлар давомида, шунингдек, Каттақўрғон туманидаги 2 ва 6-сонли, Тайлоқ туманидаги 1-сонли ҳамда Ургут туманидаги 6, 7 ва 8-сонли марказларнинг биноси йўқлиги, Иштихон туманидаги 2 ва 8-сонли, Каттақўрғон туманидаги 3 ва 4-сонли марказ бинолари эса техник талабларга жавоб бермаслиги аниқланди. Таажжубланарлиси шундаки, вилоятдаги мавжуд марказларда 16 нафар олий ва 6 нафар ўрта махсус маълумотли кадрлар етишмайди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан содир этилган қонунбузилишларни бартараф этиш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш хусусида вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

---

# Амалий муҳокамалар

## қонунчиликнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади

*Миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалаларини ҳуқуқшунос олимлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари иштирокида кенг ва таъсирчан муҳокама қилиш мамлакатимиз қонун ижодкорлиги жараёнидаги муҳим босқичлардан ҳисобланади.*

Алишер ҲИДОЯТУЛЛАЕВ,
Бош прокуратуранинг ОЎК кафедра бошлиғи в.б.

Жорий йилнинг 11 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳамкорлигида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш шароитида фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тадбирда Олий ўқув курслари ва Юристлар малакасини ошириш маркази профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари, Тошкент вилоят прокуратураси, Олий суд Тадқиқот маркази ҳамда Адвокатлар палатаси вакиллари, Тошкент Давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Конференцияда фуқаролик суд ишларини юритишга оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари, хусусан, фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштириш, фуқаролик процессида адвокат иштирокига оид қонунчиликни ривожлантириш, айрим тоифадаги фуқаролик ишларининг кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш ҳамда назорат инстанциясида иш юритишга оид миллий амалиёт ва хорижий тажриба каби масалалар муҳокама қилинди.

Илмий-амалий конференция ишида фуқаролик судларида иш юритишни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари ҳуқуқшунос олимлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари ўртасида қизғин муҳокама қилиниб, унда фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун қулай шароитлар яратиш, процесс иштирокчилари ва манфаатдор шахсларнинг одил судлов ҳимоясига бўлган кафолатларини кучайтириш; суд тартиб-таомилларининг соддалаштирилган процессуал шаклларини ишлаб чиқиш, суд ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқишнинг процессуал механизмларини таъминловчи нормаларни фуқаролик процессуал қонунчиликка киритиш, мамлакатимиз Фуқаролик-процессуал кодекси билан боғлиқ қоидаларни халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида фуқаролик-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди. Шунингдек, тадбирда хорижий давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибасига тўхталиб ўтилди.

Айни пайтда мамлакатимизда фуқаролик процессуал қонунчилигини янада такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлиги, жорий йилнинг 9 июнида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши натижасида фуқаролик судларига электрон мурожаат қилиш, суд чақирув қоғозлари, суд қарорларининг нусхалари ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юбориш механизми жорий этилганлиги одил судловнинг тезкорлиги ва қулайлигини таъминлаш борасида муайян ютуқларга эришиш имконини бериши алоҳида таъкидланди.

Конференцияда, шунингдек, ишда иштирок этувчи шахсларнинг, хусусан, адвокат билан прокурорнинг процессуал ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриш босқичида мавжуд бўлган айрим муаммоларни ҳал этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Илмий-амалий конференция иштирокчиларининг билдирган таклиф ва мулоҳазалари асосида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодексини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, мутасадди ташкилотларга юборилиши, илмий-амалий конференция натижалари эса тўплам сифатида чоп этилиши келишиб олинди.

# Мурожаатлар қонуний ҳал этилмоғи лозим

Ҳурматбек ҚУРБАНОВ,
Хоразм вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

***Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишга катта эътибор бериб келинмоқда. Инсон, унинг шаъни ва қадрқиммати юртимизда олий қадрият даражасига кўтарилиб, бу борада Конституцияда инсон ҳуқуқлари ғояларига содиқлик ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш принципларининг мустаҳкамлаб қўйилганлиги муҳим ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда.***



Маълумки, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ва самарали ҳимоя қилинишида муҳим омиллардан биридир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 8-моддасига кўра, барча инсонлар ўзларининг бузилган ҳуқуқларини самарали равишда тиклаш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи ана шу умуминсоний нормалар амалга оширишнинг муҳим кафолати бўлиб саналади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Демак, фуқаролар давлат органларига мурожаат қилиш орқали ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишга эришадилар.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсатини амалга оширишда муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: "Бугунги кунда юртимиздаги ҳар бир одамни руҳлантириш, унга мадад бериш, унинг йўлини очиб бериш, ҳуқуқини ҳимоялаш керак".

Бу борада айтиш лозимки, ваколатли органларга ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш — бу фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг амалий шаклларидан бири бўлиб, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини намоён қилиш, ижтимоий ишларга қизиқишини оширишнинг, шунингдек, ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан биридир. Шу билан бирга, фуқароларнинг мурожаатлари жамият ҳаётидаги жорий масалаларни ҳал қилиш учун зарур ахборот манбаи, давлат идоралари ва жамоатчилик ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш усули ва йўли сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, 2014 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши билан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг масъулияти оширилди.

Мазкур қонун нормаларини таҳлил қиладиган бўлсак, унда халқаро ҳуқуқнинг илғор нормалари ва ривожланган давлатларнинг қонунчилик тажрибаси ҳисобга олинганлигини кўриш мумкин.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туради. Зеро, фуқаролар турли масалалар юзасидан давлат сиёсатининг асосий йўналишларини рўёбга чиқариш вазифаси юклатилган органларга мурожаат қилар эканлар, ўз навбатида, баён этилган важлари холисона, ҳар тарафлама кўриб чиқилишини ҳамда тегишли қарор қабул қилинишини кутадилар. Мурожаатларнинг ўз вақтида ва холисона ҳал қилиниши фуқароларнинг амалдаги қонунларга, давлат идораларига ва эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Юқорида қайд қилинганидек, мазкур Қонун билан фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича мавжуд тартиб-қоидаларга киритилган янгиликлар, энг аввало, мурожаат қилувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутади.

Хусусан, Қонуннинг 8-моддасига кўра, эндиликда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жараёнида мурожаат қилувчиларнинг ёзма розилиги билан махсус техника воситалари ҳам қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, давлат органларининг раҳбарлари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Маълумки, жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг мурожаатларини кўриб чиқишда мурожаатнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда турли давлат ташкилотларидан ахборот олиш зарур бўлади. Шу боисдан Қонуннинг 18-моддасида мурожаатларни ўрганиш давомида ахборотларни тақдим қилиш муддатлари белгилаб қўйилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор берилган. Жумладан, қонунга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан берилган аризаларни кўриб чиқишда уларнинг вакилларини жалб қилиш лозим бўлади.

Вилоятда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишига оид қонунчилик ижроси юзасидан доимий прокурорлик назорати ўрнатилган. Бу борадаги назорат тадбирлари мунтазам равишда амалга оширилиб, ўтказилаётган текширишларда қонунбузилиши ҳолатлари аниқланганда, қонунбузарларга нисбатан тегишли таъсир чоралари қўлланилиб келинмоқда.

Хусусан, Хоразм вилояти ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармасида ўтказилган текширишда аниқланишича, "Xorazm Classik" хусусий корхонаси раҳбари А.Шариповнинг 2015 йил 6 мартдаги собиқ "Aloqa vista" корхонасига тегишли бинода тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун хорижий инвестор жалб қилинишида амалий ёрдам бериш ҳақидаги оғзаки мурожаати бошқармада кўриб чиқилган бўлса-да, текшириш натижалари тўғрисида муаллифга ёзма равишда маълум қилинмаган.

Шу каби ҳолатларга бошқармага келиб тушган "Интенсив дала" фермер хўжалиги раҳбари Р.Абдуллаевнинг, фуқаролар Ғ.Куронбоев ва Ф.Матниязовларнинг аризаларини кўриб чиқишда ҳам йўл қўйилган.

Қайд этилган қонун бузилишлари юзасидан бошқарма бошлиғига нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилиб, суд қарори билан тегишли жазо тайинланган.

Ўтказилган текширишлар назорат органларининг айрим ходимлари томонидан қонун талабларига риоя қилинмаслиги оқибатида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ўз вақтида таъминланмасдан қолаётганлигини кўрсатди. Жумладан, "Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг Хоразм ҳудудий бўлимида ўтказилган текширишда аниқланишича, "Xorazm gaz invest servis" хусусий корхонасининг электр энергиясидан асоссиз қарздорлик ҳисобланганлиги ҳақида 2015 йил 13 февралда келиб тушган мурожаатини тегишли жойга юборишда қонун талаби бузилган.

Ҳудудий бўлимда бундан ташқари, мурожаатларни кўриб чиқишнинг қонунда белгиланган муддатлари ва мурожаатни кўриб чиқиш натижасига кўра муаллифнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш лозимлиги хусусидаги қонун талаблари бузиб келинган.

Хусусан, Ҳазорасп тумани, "Овшар" қишлоғи, "Истиқлол" маҳалласида яшовчи фуқаро З.Ўразметовнинг "Ҳазорасп туман электр таъминоти корхонаси" ходимлари томонидан асоссиз қарздорлик ҳисобланганлиги ҳақида келиб тушган аризаси белгиланган муддатда кўриб чиқилмаган.

Шу билан бирга, ўрганиш натижасига кўра, муаллифнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилмаган. Қонун бузилишига йўл қўйган масъул ходимларнинг эса жавобгарлик масаласи ҳам ҳал этилмаган.

Текшириш маълумотномасида эса муаллифнинг хонадонига қарздорлик асоссиз ҳисобланганлиги ва бошқа қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги қайд этилган бўлса-да, уни бартараф этиш чоралари кўрилмаган.

Худди шу каби қонунбузилиши ҳолатига Ҳазорасп тумани, "Овшар" қишлоғи, "Жангиота" маҳалласида яшовчи фуқаро К.Отажоновнинг аризасини ўрганишда ҳам йўл қўйилган.

Йўл қўйилган қонунбузилишлари ҳолатлари юзасидан инспекция ҳудудий бўлими бошлиғи номига тақдимнома киритилиб, қонунбузилишига йўл қўйган ходимларнинг интизомий жавобгарлик масаласи ҳал қилинган.

Шунингдек, ўтказилган назорат тадбирларида фуқароларнинг мурожаатларини асоссиз равишда кўриб чиқмаслик ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида "Bilol Plus" хусусий фирмаси раҳбари Г.Султанованинг омборхона биноси битказилганлиги муносабати билан уни фойдаланишга қабул қилиш ва ишга туширишга рухсат беришни сўраб ёзган аризаси Урганч шаҳар ҳокимининг ўринбосари томонидан қарор чиқариш ваколатига эга бўлмаган архитектура ва қурилиш бўлимига кўриб чиқиш учун нотўғри юборилган.

Кейинчалик, мазкур ариза кўриб чиқилиб, 2015 йил 8 мартда бинони фойдаланишга қабул қилиш учун далолатнома расмийлаштирилиши ва шундан кейин бу ҳақда Урганч шаҳар ҳокимининг тегишли қарори қабул қилиниши лозимлиги тўғрисида ариза муаллифига тушунтириш берилган.

Бундан кўриниб турибдики, Урганч шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари тадбиркорнинг мурожаатини кўриб чиқиб, унинг талабини қаноатлантириш чораларини кўрмасдан, мурожаатни асоссиз равишда бошқа органларга юбориб, сансалорликка йўл қўйган. Шунга кўра, унга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, шаҳар судининг қарорига асосан жарима жазоси тайинланган.

Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур қонун ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида 24 та тақдимнома киритилиб, прокурорнинг қарор ва тақдимномаси бўйича 32 нафар мансабдор шахс интизомий, 19 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган.

Прокуратура органлари ходимлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш борасида уларнинг меҳнат жамоаларида, иш жойларида қабул қилинишига жиддий эътибор қаратилиб, барча қонун талаблари, ҳукумат қарорлари, мамлакатда босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ўзида инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг муҳим кафолатларини мужассам этган бўлиб, унга риоя қилиш инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.




# Ҳаққонийлик, ҳозиржавоблик ва холислик сари

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
«Ниqиq»

Биз бундай улкан рағбатни ва яратилаётган шароитларни қадрлашимиз, матбуотда ижодий ишларимиз салмоғини ошириб боришимиз, нуқтаи назарларимизнинг янада дадил ва ҳаётий садо бериши учун курашмоғимиз лозим.

Матбуотнинг демократлашуви — унинг халқ билан, ҳозирги дунё билан ҳамнафаслигининг фаоллашуви, чуқурлашуви демакдир. Биз демократик жамият қуришга интиляпмиз. Демак, матбуот ҳам юртдошларимизда демократик ривожланиш маданиятини ўстириб бориши даркор.

Бунинг зарурияти шундаки, мамлакатимизда давлат аста-секин ўз бошқаруви имкониятларини жамиятга ўтказаяпти. Жамиятнинг ўзини ўзи бошқарувга ўтиши — тараққиётимизнинг бош йўналишларидан бири. Бу эса ҳар бир инсон зиммасига катта масъулият юклайди, ҳар биримиздан юксак онглилик ва маданиятни талаб қилади. Айнан мана шу жараён — одамларда демократик жамият маданиятини тарбиялаб бориш — матбуотнинг ҳам вазифасига киради.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан жорий йил "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилинди. Шу масала бўйича тузилган Давлат дастури ижроси юзасидан улкан ишлар қилинмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, уруш ортида меҳнат қилганлар ҳамда бошқа қарияларнинг ҳурматини жойига қўйиш юзасидан ташаббуслар, амалга оширалаётган тадбирлар матбуотнинг асосий мавзуларидан бирига айланмоғи лозим.

Журналистиканинг мустаҳкам ва ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда ўзгармас ақидалари таянч асослари бор. Улар ҳаққонийлик, ҳозиржавоблик ва холисликдир. Газетхонлар биз журналистлардан сифатли танқидий, таҳлилий ва шу билан бирга, ўқишли мақолалар кутадилар. Бу талабларни бажаришда журналистда ёзиш қобилияти ва маҳорат бўлишининг ўзи етарли эмас. У, аввало, ҳуқуқлари поймол қилинган шахсларга ўткир қалами билан ёрдам қўлини чўза оладиган, ҳаётда кечаётган воқеаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етадиган ва уларни ўз фаолиятининг асосий мезони деб биладиган фидойи ва довюрак шахс бўлиши керак.

Асосий Қонунимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, инсоннинг ахборот олиш, шахсий фикр ва эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор қаратилган.

Фақат бугина эмас, мустақиллик шарофати билан юртимизда газета ва журналлар, радио ва телевидение ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган 10 га яқин қонун яратилди.

Бугунги кунда ҳаётимизнинг бирон соҳасини матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Юртимиз тараққиёти йўлидаги эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, истиқлол руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, халқимиз маънавиятини бойитиш соҳасидаги хайрли ишларда ҳамкасбларимизнинг муносиб хизмати бор. Холислик ва ҳаққонийлик, Ватан ва миллий манфаатларни ўз фаолияти мезони деб билган журналистларнинг илҳом булоғидан қайнаб тошган сўзлар ҳар бир инсон қалбига йўл топади.

Албатта, бу йўлда ижодкорнинг асосий қуроли — сўз. Ҳақ сўзни айтишда ҳамкасбларимизни ҳаққонийлик, ҳозиржавоблик ва холислик ҳеч қачон тарк этмасин.

# Ҳуқуқий тарғибот самараси

**Жаъсурбек САТТАРОВ,**
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти матбуот гуруҳи бош инспектори

Маълумки, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнининг ёритилишида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ушбу соҳага оид қонунчилик базаси шакллантирилиб, босма нашрлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Зеро, холис ахборот ижтимоий онг ва тафаккурни шакллантирувчи куч ҳисобланса, ахборот тақчиллиги жамиятда ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келади. Айни шу нуқтаи назардан ҳам ахборот олиш, излаш, тарқатиш қонун билан мустаҳкамланган.

Айни вақтда оммавий ахборот воситалари ёрдамида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғиботда аҳоли ва тадбиркорларга давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар, қонунчиликдаги янгиликлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, ёшларимизнинг ҳуқуқий тарбиясига алоҳида урғу берилмоқда.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти томонидан айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон", "Ёшлар" ва "Тошкент" телеканалларининг ахборот дастурлари орқали қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш бўйича лавҳалар тайёрланиб, эфирга узатилмоқда.

Вилоятлардаги ҳудудий газеталарда прокуратура ва департамент ходимларининг мақолалари чоп этиб борилмоқда. Бу борада Наманган вилоятида "Диёнат", Қашқадарё вилоятида "Адолат кучи", Жиззах вилоятида "Адолат ёлқини" ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг "Ғарезсизлик ҳам низам" газеталарини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Оммавий ахборот воситаларида олиб бораётган тарғиботларимиз боис прокуратура фаолиятининг ошкоралиги таъминланаяпти.

Мухтасар қилиб айтганда, тарғибот тадбирларини аҳолининг кенг қатламлари орасида олиб бориш фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадига хизмат қилади. Ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлган инсонлар эса қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишади.

Зотан, жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи муҳим омилдир.

# Эфирда «Ҳимоя»

***Қонун ўзига бўйсунганларнигина ҳимоя қилади. Бу "Ҳимоя" кўрсатувининг доимий шиори бўлиб, «Тошкент» телерадиоканалида салкам 15 йилдирки эфирга узатилиб келинмоқда. Мазкур кўрсатув Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти фаолиятидан лавҳалар тайёрлайди. Унда аҳолининг, кичик бизнес вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, солиқ ва валютага оид жиноятлар ҳамда иқтисодий жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги мавзулар қамраб олинган.***



Республикамиз ҳудудига ноқонуний равишда олиб кирилаётган истеъмол товарлари, инсон соғлиғига хавф солувчи қалбаки дори-дармон воситалари, қўлбола усулда тайёрланган спиртли, ёғ маҳсулотлари, шунингдек, юртимиздан ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетилаётган товарлар билан боғлиқ жиноятлар тафсилотлари кўрсатув орқали ёритилиб борилади. Шунингдек, мўмай пул дардида одамларнинг соғлиғи, келажагига хавф солувчи фаолият билан шуғулланаётган айрим кимсаларнинг кирдикорлари тўғрисидаги лавҳалар ҳам томошабинларни бефарқ қолдирмайди. Кўрсатувнинг ҳар сонида асосан тезкор рейдлар натижалари бериб борилади. Ижодий гуруҳ қонунбузилиши ҳолатларини воқеа жойида тасвирга олди.

— Телевидениенинг таъсирчан кучидан фойдаланган ҳолда жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур кўрсатув бугун ўз аудиториясига эга, — дейди кўрсатув бошловчиси Гулчеҳра Раззоқова. — Таъкидлаш жоизки, юзлаб инсонларнинг умрига хавф солувчи истеъмолга яроқсиз озиқ-овқат ва дори воситаларининг фош этилганлигини, давлат бюджетига зарар етказиб, уни талон-торож қилмоқчи бўлган сохтакорларнинг фаолиятига чек қўйилганлигини акс эттирувчи лавҳаларни эфирга узатишдан мақсад шу йўлнинг бошида турган фуқароларни ҳушёр торттиришдир.

Ахборот тез суръатларда тарқатилаётган бир пайтда омманинг унга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларга тўғри ва тўлиқ ахборот бериш матбуот ходимларининг биринчи галдаги вазифаларидандир.

"Ҳимоя" кўрсатувининг ҳар бир сонини кузатиб борсангиз, унда жиддий муаммолар ўртага ташланади, чуқур таҳлил ва ранг-баранг фикр-мушоҳадалар асосида интервьюлар олинади, қонун ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини одамларга етказишга ҳаракат қилинади.

Айниқса, бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш дунёдаги долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Бу турдаги жиноятларни бартараф этишда эса фуқароларни тезкор ахборот билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг аҳамияти катта. Шу маънода мазкур йўналишда ҳам департамент органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида "Ҳимоя" кўрсатувининг махсус сонлари тайёрланиб, эфир узатилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш йўлида эфирга узатиб борилаётган "Ҳимоя" кўрсатуви иқтисодий йўналишдаги қонунбузарликлар, одам савдоси ва унга қарши курашиш борасида СВОЖЖДЛҚК департаменти органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилиб бормоқда.

**Ўз мухбиримиз**

# Лицензиясиз фаолият оқибати

*Маълумки, қадим-қадимдан давлатчиликда солиқлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Боиси, бундай тўловлар давлат бюджетини шакллантиришда, унинг харажатларини қоплашда муҳим омил ҳисобланади. Тўланаётган солиқларнинг катта қисми фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилади.*

Демак, юртини севган, ижтимоий ҳимояга ҳисса қўшаман, деган ҳар бир фуқаро олаётган даромадидан қонунларимизда белгиланган солиқ турларини вақтида ва тўла ҳажмда тўлаб бориши лозим. Содда қилиб айтганда, бунинг натижасида давлат сизни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳамда кўмак бериш имкониятига эга бўлади. Энг муҳими, ижтимоий тузилма барқарор фаолият юритиб, тўла-тўкис турмуш тарзини таъминлай олади. Лекин баъзи инсонлар борки, мана шу оддий ҳақиқатни тушунишни истамайдилар.

Пойтахтимиздаги Учтепа туман ҳокимиятидан рўйхатдан ўтиб, "Арт-папер-медиа" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилган Дилмурод Ғозибоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам шундай шахслардан экан. У ўзининг омбор мудири Муқимжон Сойипов билан жиноий тил бириктириб, қонунларимизни бир неча бор четлаб ўтганлиги текширишларда фош этилди. Жумладан, Д.Ғозибоев юртимизда тадбиркорлар учун яратилган қулай муҳитдан фойдаланган экан-у, солиқларни тўлашга келганда масъулиятни унутган экан. У 2012 йилдан 2014 йилнинг июнь ойигача 100 млн. 690 минг сўмлик даромад солиғи ва бошқа давлат бюджетига тўланиши керак бўлган бир неча мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб келганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, у ҳамтовоғи М.Сойипов билан ҳамкорликда лицензия олиниши шарт бўлган фаолиятга рухсатнома олмасдан 2011 йилдан 2014 йилнинг июнь ойига қадар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келганлиги ҳам аён бўлди. Яъни улар республикамизда фаолият юритаётган бир неча таҳририятларнинг рангли журнал ва китобларини чоп этиб, 1 млрд. 514 млн. сўмдан ортиқ улгуржи савдо хизмати кўрсатишган.

Ноқонуний иш ҳеч қачон инсонни равон йўлга олиб бормайди. Бундай фаолиятни касб қилганларнинг манзили суднинг қора курсиси бўлиши тайин. Д.Ғозибоев ҳамда М.Сойиповнинг ҳам қилмишлари ошкор бўлди ва суд томонидан уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

**Шуҳратжон ҲУСАИНОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи

*Иқтисодиётга жиддий зарар етказувчи ноқонуний валюта айирбошлаш, фуқароларнинг пластик карталаридаги пул маблағларини муайян фоиз ҳисобига нақдлаштириб бериш каби жиноий қилмишларни фош этиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда. "Деҳқон бозори" ёнида ўтказилган ана шундай тадбирда ғайриқонуний ишга қўл урган "Спарк" русумли автомашина ҳайдовчиси Ойбек Маматқулов ва унинг ҳамроҳи Баҳромжон Вассиев департаментнинг туман бўлимига олиб келинди.*

# Нақдлаштириш ортидаги сохтакорлик

**Талъатбек ТЎХТАСИНОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бешариқ туман бўлими бошлиғи

Холислар иштирокида текширилганда, автомобилнинг юкхонасида салкам 16 млн. сўм нақд пул ва бир нечта пластик карточкалар билан бирга "Асакабанк"нинг Қўқон филиалига тегишли савдо терминали борлиги ҳам маълум бўлди.

Ушбу ҳолатни Б.Вассиев: "Қўқондаги пайнет шохобчасида ёлланма кассир бўлиб ишлайман. Пуллар ўзимники. Савдо терминали банк филиалига расмий бириктирилган шохобчага тегишли. 26 та пластик карталар эса фуқаролардан нақдлаштириб бериш учун олинган", дея изоҳлади.

Суриштирув мобайнида пластик карталарнинг бир қисми тумандаги умумтаълим мактабларидан бирининг ўқитувчи ва ходимларига тегишли экани аниқланди. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, мактабда ҳужжатли тафтиш ўтказилди. Ўқитувчилар пластик карталарини ҳисобчи йиғиб, сўнгра қайтариб бериб турганлигини, карталарига туширилган ортиқча пул маблағларидан бехабарликларини баён этишди. Мактаб ўқитувчи-ходимларининг пластик карталарига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ортиқча пул маблағларини ўтказиб, иш ҳақи қайдномаларига киритмасдан, нақдлаштириб олиб, ўзлаштирган ҳисобчи Шокиржон Турдалиев ва фуқароларнинг пластик карталаридаги пул маблағларини "хизмат ҳақи" — муайян фоиз ҳисобига нақдлаштириб бериб турган Баҳромжон Вассиев ҳамда Ойбек Маматқуловга нисбатан қўзғатилган жиноят иши судда кўрилди.

Судланувчи Ш.Турдалиев 2007 йилдан буён умумтаълим мактабида ҳисобчи лавозимида ишлаб келган. Маошидан ташқари, қўшимча даромад топишнинг янги "усули"ни "кашф" этган. 2013-2014 йилларда ойлик иш ҳақи тўловлари рўйхатлари ва тўлов топшириқномаларига мактаб директорининг имзосини ўхшатиб қўйиб, ўқитувчиларнинг пластик карталарига туширилган ойлик иш ҳақларига қўшимча пул маблағларини Б.Вассиевнинг пайнет шохобчаси терминалида нақдлаштириб олиб, ўз эҳтиёжига сарфлайверган. Шу тариқа жами 106 млн. 306 минг сўмдан зиёд бюджет маблағларини талон-торож қилган. Бундан ташқари, ҳисобчининг айби билан 2012 йилдан 2014 йилнинг июль ойига қадар ўқитувчи ва ходимларнинг ойлик иш ҳақларидан тўланиши лозим бўлган даромад солиғи, пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов, мажбурий суғурта бадаллари, жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига жами 72 млн. 148 минг сўм солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар кам ўтказилган.

Суд Ш.Турдалиевга айбига тўлиқ иқрорлигини, муқаддам судланмаганини, етказган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопланганини эътиборга олиб, икки йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади. О.Маматқулов ва Б.Вассиевларга нисбатан ҳам қонун доирасида ҳуқуқий чоралар кўрилди.

# «Нафсим менинг балодур»

**Муродилло ХИДИРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Олтинкўл туман бўлими бошлиғи

*Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётган бир вақтда ўз хизмат вазифасини виждонан бажармасдан, тамагирлик орқали тадбиркорларнинг йўлига тўғаноқ бўлаётган шахслар, афсуски, учраб турибди.*

Ана шундай шахслар тоифасига Олтинкўл туман "Пилла" давлат корхонаси раҳбари Ўсаржон Муҳсинов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва омбор мудири Раҳмонжон Фозиловни киритиш мумкин.

Бир неча йил самарали меҳнат қилиб, ҳурмат қозонган бу шахслар нима бўлди-ю, тўғри йўлдан адашдилар. Нафс қармоғига илиниб, тамагирлик йўли билан бойлик орттириш пайига тушишди.

Ўшанда 2014 йил пилла ҳосилини қабул қилиш мавсуми эди. Корхонага келган фуқаро Санжар Шокировнинг гаплари уларнинг қора ниятини амалга оширишни янада тезлаштирди. Улар С.Шокировдан қайнонаси Қ.Тожибоева раҳбарлигидаги "Шаробиддин саховати гулшани" фермер хўжалигининг 2014 йил пилла ҳосили бўйича белгиланган режага нисбатан топширилмай қолган 373 кг. пиллани қўшиб ёзиб бериш эвазига 300 АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилишади.

Ўз навбатида С.Шокиров улар бунча миқдордаги пулни келтириб беришга имкони йўқлигини айтади. Бироқ улар пулсиз иш битмаслигини бир неча бор такрорлашади. Чорасиз қолган С.Шокиров корхона раҳбари ва омбор мудирига нисбатан қонуний чора кўрилишини сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

С.Шокировнинг аризасига асосан СВОЖЖДЛҚК департаментининг вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда "Пилла" давлат корхонаси омбор мудири Р.Фозилов корхона раҳбарига бериш учун талаб қилинган 300 АҚШ долларини пора тариқасида олаётган вақтида қўлга тушди.

Суд корхона раҳбари Ў.Муҳсиновга 7 йил, омбор мудири Р.Фозиловга эса 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

*Тез ва осонгина бойиб кетишнинг йўлларини қидирган одам борки, бундай ҳаракатлар ортидан жиноят кўчасига қадам босиши тайин. У.Асатуллаев муқаддам фирибгарлик жиноятини содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган бўлишига қарамай такроран фирибгарлик йўли билан ўзгалар мулкини қўлга киритиш мақсадида ишга киришди.*

# Фириб тузоғи

**Ербол ИСАБАЕВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Чирчиқ шаҳар бўлими суриштирувчиси

Умид ўзининг жиноий режасини амалга ошириш мақсадида фуқаро Акмал Булаковнинг ишончига кирди. У Акмалга цемент маҳсулоти олиб беришини ваъда қилиб, унинг ҳисобида 12 млн. 315 минг сўм маблағи бўлган пластик карточкасини қўлга киритди. Сўнг карточкадаги пул маблағларини бир нечта корхоналарнинг ҳисоб рақамига ўтказиб, ушбу пулни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди. Фирибгарнинг тузоғига илинганлигини англаган А.Булаков орадан бир қанча муддат вақт ўтгандан сўнг У.Асатуллаевдан пулларини қайтариб беришни талаб қилди. Бироқ фирибгар унинг талабини эшитишни ҳам хоҳламади. Шундан сўнг А.Булаков СВОЖЖДЛҚК департаментининг Чирчиқ шаҳар бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Ўзганинг ишончини суиистеъмол қилиб, алдов йўли билан пулларни қўлга киритган У.Асатуллаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмига кўра унга тегишли жазо тайинланди.



# Қонунларни четлаб ўтиб...

**Ориф БОЗОРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Конимех туман бўлими бошлиғи

*Таъкидлаш жоизки, йил сайин мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўплаб имтиёзлар ва преференциялар яратилаётир. Бу эса ҳақиқий ишбилармонларнинг янада юксак марраларни забт этишларига туртки бўлиб хизмат қилмоқда.*

Шуни унутмаслигимиз керакки, яратилаётган имкониятлар билан бир қаторда қонунчилигимизда тадбиркорлар зиммасига баъзи бир мажбуриятлар ҳам юклатилган. Бироқ, айрим "уддабурон тадбиркорларимиз" ушбу мажбуриятларни четга суриб, қонунларимизни четлаб ўтмоқдалар. Жумладан, Конимех туманида фаолият олиб бораётган "Конимех қурувчи монтаж" хусусий корхонаси раҳбари Жавлон Мустафоевнинг (исм-фамилияси ўзгартирилган) 2014 йилнинг июль ойидан буён 6 млрд. 945 млн. сўмдан ортиқ маҳсулотларни нақд пулга сотиб юбориб, савдодан тушган пулларни банкка топширмаганлиги текширишларда фош этилди. Шунингдек, Ж.Мустафоев ўзининг қилмишларини яшириш мақсадида корхонанинг 2014 йилги молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги расмий ҳужжатларни терговга тақдим қилмасдан ғаразгўйлик ниятида йўқ қилиб юборганлиги ҳам аниқланди.

Қонунларимизни четлаб ўтиб, фойда қиламан, деган тадбиркор янглишади. Бундай кимсаларнинг на юришида ҳаловат бўлади, на даромадида барака бўлади. Уларнинг қилмишлари бир кун келиб, албатта, ошкор бўлади. Ўзлари эса суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўладилар.

Мажбуриятини унутган Ж.Мустафоевга ҳам суд қонуний жазо тайинлаб ҳукм чиқарди.

# Хорижий инвестициялар — иқтисодиётни ривожлантириш гарови

*Инвестиция фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, 2010-2014 йиллар давомида республикада фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ўсишининг ижобий тенденцияси кузатилмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш кафолатлари ҳамда ривожланишини рағбатлантириш ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ мустаҳкамланган.*

**Бахтиёр ҚОДИРОВ,**
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Бу борада "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги (янги таҳрирда), "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари ҳамда ҳукуматнинг бир қатор қарорлари юқорида келтирилган фикрларни яна бир бор исботлайди.

Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан мамлакатимизда хорижий сармоялар ва замонавий технологияларнинг жалб этилишини рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун бир қатор кафолат ва имтиёзлар бериш тизимли йўлга қўйилган. Хусусан, ўрнатилган имтиёзларга асосан чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторларнинг бошқа активлари реквизиция қилинмаслиги (табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотия ҳоллари бундан мустасно) ҳақидаги норма ўрнатилди. Бундан ташқари, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилаётган, устав фондида хорижий сармоя улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод қилинди. Бу каби имтиёз ва преференциялар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ушбу соҳани ривожлантиришда эса 2012 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу фармонда мустақиллик йилларида мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилганлиги, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланганлиги эътироф этилди.

Фармонга кўра шунингдек, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб қўйилди.

Қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланди.

Ушбу фармоннинг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки, унга асосан, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқларининг рўйхати қатъий белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Юртбошимизнинг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам мамлакатимизда нафақат тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, балки хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳам ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, бу соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу фармонга мувофиқ, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг асосий йўналишлари бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Унга кўра, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари томонидан ўтказилаётган назорат тадбирларида жойлардаги давлат бошқаруви органлари, ер ресурслари ва кадастр хизмати, солиқ идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш, уларга турли бюрократик тўсиқлар яратиш, фаолиятига асоссиз аралашиш каби қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида кўрилаётган чораларнинг натижаси ўлароқ, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг фаолият кўрсатиши учун адолатли ва қулай шарт-шароит яратилди ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва хавфсизлиги тўлиқ таъминланмоқда.

# Ижтимоий шериклик — давр талаби

***Фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини шакллантириш ҳамда эркин ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шартларини, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини яратиш, уларнинг демократик ўзгаришлар ва жамиятни эркинлаштиришдаги фаол иштирокини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.***

**Шерзод АЛИХОНОВ,**
Бош прокуратура бошқарма АМИБ катта терговчиси

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият қурилишининг муҳим муаммоларини ҳал этишга кенг жалб қилиш, одамлар тафаккурида демократик қадриятларни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин ривожланишини таъминловчи илғор қонунчилик базаси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

"Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди. Қонун нодавлат нотижорат ташкилотларининг кўп қиррали фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий-техник чора-тадбирларнинг яхлит тизимини белгилаб берди.

Қайд этилган ҳуқуқий база давлат бошқаруви ва ижро органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шаклланишига, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва аҳамиятини юксалтиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаган эди. Мазкур қонун давлат бошқаруви ва ижро органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўзаро муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда, мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда асос бўлмоқда.

Хусусан, қонунда ижтимоий шериклик ва унинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижтимоий шерикликнинг асосий принцип ва соҳаларининг белгиланиши, ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартибининг алоҳида боб сифатида қонунга киритилиши ва энг асосийси, ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларининг миллий қонунчиликка киритилиши мамлакатимизда давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро ижтимоий муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш турларини янада кенгайтирди.

Жумладан, қонуннинг 12-моддасига асосан нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкий, ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш; нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига моддий ёрдам кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар бериш; нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмалари бериш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштиришнинг турлари билан қамраб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, қонунларнинг қабул қилиниши — бу ишнинг ярми ҳисобланади. Қонунларни амалиётга татбиқ этиш, қонун талабларини бир хилда ва аниқ ижро этилиши эса қонун устуворлигини таъминлашдаги ишларнинг яна бир муҳим жиҳати ҳисобланади. Айниқса, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунларнинг бир хилда ва аниқ ижро этилиши янада муҳим аҳамиятга касб этади.

Қонуннинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмалари бериш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштиришнинг институционал механизмлари ҳам кўрсатилган.

Маълумки, 2008 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳар икки палатаси кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори қабул қилинди. Бу ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ривожланишини босқичма-босқич таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур қўшма қарорга биноан, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил, демократик принципларга асосланган тизими Ўзбекистонда яратилди.

*(Давоми 9-бетда)*

# Одамийлик йўқолганда...

**_Гоҳида суднинг қора курсисида ўтиришга одатланиб қолган кимсалар ҳам учраб туради, бундайлар ҳақида гап кетганда, "тавбасига таянмаган", деган ибора ишлатилади. 1978 йил Андижон вилоятида туғилган Яҳёбек Абдуназаров ҳам айнан шундайлардан чиқиб қолди. Йўқса, муқаддам 4 марта суднинг қора курсисидан жой олишга муваффақ бўлган бу кимса яна жиноятга қўл урармиди. Ачинарлиси эса, у бу сафар ўта қабиҳ қилмишга қўл урди._**



**Бегзод ЛАТИПОВ,**
Бош прокуратура бошқарма АМИБ терговчиси

Навбатдаги жазони ўтаб чиқиб, новвойхоналардан бирида иш бошлаган Яҳёбек кўп ўтмай Назира (жабрланувчиларнинг исм-фамилияси ўзгартирилган) исмли қиз билан танишиб қолади. Гапга чечанлиги боис, тезда Назиранинг кўнглига йўл топади, муҳаббат изҳор қилади. Орада унга уйланмоқчи эканлигини ҳам маълум қилади. Соғлиғи яхши эмаслиги сабабли тез-тез даволанишга муҳтож, кўнгли ярimta қиз унга батамом ишонади-қўяди. Айнан шу ишонч пайти келиб унга панд бериши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Аммо йигит унинг бу ишончидан ўзининг разил мақсади йўлида фойдаланишга қарор қилади.

Хуллас, Я.Абдуназаров қизни зиёратгоҳга олиб боришни ваъда қилиб, у билан йўловчи машинада йўлга тушади. Яҳёбек бироз юрганидан кейин ҳайдовчидан машинани тўхтатишни сўрайди. Йигит буёғига пиёда юриш ни айтиб, дала орқали юрилса, манзилга тезроқ етиб боришларини тушунтиради. Ва қизни ўша томонга бошлайди. Аммо Назира қаршилик кўрсатади. Бундан Яҳёбекнинг жаҳли чиқади ва қизнинг қўлидан тортиб, туртиб юборади. Назира йиқилгач, уни яна уриб-туртиб, ариқ томонга судрайди. Кейин тўсатдан бошига уриб, бўғади.

Ночор қолган қиз пайтини пойлаб, бақира бошлайди. Аммо Яҳёбек шу заҳоти унинг оғзини беркитади-да, агар яна бақирса шу ернинг ўзида ўлдириб юбориши билан қўрқитади. Назиранинг нафаси тиқилиб, мазаси қочганида эса, одамийлигини йўқотган йигит нафсини қондириш учун унга ташланади. Шу тариқа бокира қизнинг номусини поймол қилган зўравон энди босқинчиликка ўтади. Қизнинг сумкасини титкилаб, 100 АҚШ доллари, 59 минг сўм пул, қўл телефони ҳамда паспортини олиб қўяди. Қиз уйига кетиш учун қўйиб юборишини сўраганида, унга рухсат беради. Пулини олиб қўйганини, ҳатто йўлкираси ҳам қолмаганини айтганида эса 20 минг сўм пулга қўшиб, телефони билан паспортини қайтаради.

Зўравоннинг чангалидан қутулганига шукр қилган Назира йўловчи машинада уйига етиб олади ва опасига бўлган воқеа ҳақида гапириб беради. Кейин ИИБга ариза билан мурожаат қилади. Шу орада Яҳёбек телефон қилади, тўй ҳақида гап очади. Назира милицияга хабар қилганини эшитгач эса Жиззах шаҳрига жўнайди. У ерда бир ойга яқин новвойчилик билан шуғуллангач, Гулистон шаҳрига келади. Бу ерда кўнгли маишат қилишни тусаб қолади ва 2-мавзеда жойлашган уйлардан бирига йўл олади.

Эски танишининг уйига маишат қилиш учун борган Я.Абдуназаров у ерда Моҳира исмли қиз билан танишиб қолади. Бироқ кўп ўтмай, йигит бу қизга нисбатан ҳам эски одатини ишга солади. Қизнинг қаршилигига жавобан эса, ўзи билан олиб юрган пичоғини ишга солади. Моҳирага ташланиб, унга тан жароҳат етказади. Шундан сўнг Моҳира жон аччиғида бақириб юборади. Бу пайтда бир таниши билан балконда ўтирган хонадон бекаси қичқириқни эшитиб, "Нима гап экан", дея ичкарига югуради. Аммо у эшикдан кирар-кирмас, Яҳёбекнинг қўлидаги пичоқ тиғига рўпара келади-ю, бир четга ҳолсизгина ўтириб қолади. Унинг ортидан кириб келган хонадон эгасига таниш аёл ҳам пичоқ зарбидан бебаҳра қолмайди. Уч аёл ваҳшийлашиб, кўзи қонга тўлган йигитдан ҳимояланиш мақсадида ичкарига кириб, эшикни қулфлаб олишга муваффақ бўлишади. Яҳёбек эса вақтни ғанимат билиб, кўчага отилади.

Бақир-чақирни эшитиб, зумда қўни-қўшнилар йиғилишади. Жабрланувчилар касалхонага олиб кетилади. Моҳира билан меҳмон аёлга тез ёрдам кўрсатилади. Оғир тан жароҳати олган хонадон бекаси эса касалхонада вафот этади.

Кўп вақт ўтмай, зўравон ва қотил Яҳёбек Абдуназаров қўлга олинади...

Тергов ва суд жараёнида гарчи Я.Абдуназаров фақатгина Моҳиранинг номусига тажовуз қилганлигини тан олиб, қотиллик жиноятини инкор этган бўлса-да, унинг айби жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда воқеа жойидан олинган ашёвий далиллар билан ўз исботини топди.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди нафақат зўравонлик, балки икки кишининг тан жароҳати олиши ва бир инсоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабабчи бўлган Я.Абдуназаровга 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

---

**_Мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерликка кенг йўл очилиб, имкониятлар ва имтиёзлар етарлича яратилган. Меҳнатга, мулкка муносабати ўзгарган кишилар боқимандалик кайфиятидан халос бўлиб, жамиятда ишчанлик муҳити барпо этилганини ҳис қилишмоқда. Ҳотам Абдуллаев ҳам Ғиждувон тумани "Меҳнатобод" чўл ҳудудидан ер олиб, тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилди. "Фарзандларимдан ташқари яна бир неча фуқаро ҳам иш билан таъминланади", деган ўйга борди._**

# Юзи шувут бўлган бошлиқ

**Дилшод САФАРОВ,**
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим АМИБ терговчиси

У шу масалада Ғиждувон туман ер ресурслар давлат кадастр бўлими бошлиғи Жамил Ўриновга мурожаат қилди.

— Яхши ўйлабсиз. Албатта ёрдам бераман. Имкониятлар йўқ эмас. Чунки туман ҳокими ҳузуридаги ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи комиссияга ҳам аъзоман, — деди Ж.Ўринов.

— Аризамни қолдириб кетаман, — деди хурсандлигини яширмай Ҳотам Абдуллаев.

— Энди, ўзингиздан қолар гап йўқ. Ҳозир бир карич ер олиш қанчалик қийин, — деди Жамил Ўринов машаққатли ишни битираётган одамдек. Сўнгра эшитилар-эшитилмас:
— Бироз харажати бор, — деб қўйиб қўйди.

— Бўпти. Қанча бўлади? — чўрт кесиб сўради Ҳотам Абдуллаев тамагирлик қилаётган Жамил Ўриновдан хафалигини сездирмай.

— Бир миллион сўм етади, — Жамил Ўринов шундай дер экан, оғзининг бир четидан осонгина чиққан бу сўз ёши элликка кириб, ҳаётнинг пастбаландини англагани мисқоллаб йиққан обрўсига путур етказишини ўйлаб ҳам кўрмади. — Ер танловга қўйилиши билан масалангизни ижобий ҳал этамиз, — дея қўшимча қилди.

Орадан икки кун ўтиб, айтилган пул айтилган манзилга етказилди.

Ер олиб мулкдор бўлиш орзусида юрган Ҳотам Абдуллаев қарийб бир йил кутди. Охири "сабр косаси тўлиб, тўкила бошлади".

Шунингдек, ҳар сафар ундан сўраганида "Ҳали бирорта фермер ерини захирага топширмабди. Албатта, яқин кунларда ишингизни битираман", деган мужмал жавоблардан чарчади.

Давр талабини англамаган, умумманфаатидан кўра чўнтак қаппайтиришни ўйлаган, қолаверса, ҳалол меҳнат қилиш иштиёқида бўлган кишининг йўлига сунъий тўсиқ бўлаётган Жамил Ўриновга қонун олдида жавоб бериш фурсати келди.

Суд ҳукмига кўра Жамил Ўринов 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Кўпнинг ишончини суиистеъмол қилгани боис эса эл олдида юзи шувут бўлди.

# Ошиқлар можароси

**_Суд ҳукми билан ўн бир йил панжара ортида ўтириб, озодликка чиққан Алексей Сергеев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қамалгунига қадар кўнгил қўйиб юрган таниши Ильмира Сидоровани излашга киришди. Унинг бу ҳаракатлари зое кетмади. Тез орада Алексей севгилисининг телефон рақамини топиб, қўнғироқ қилди. Бироқ бу пайтда Ильмира бошқа бир инсон билан бирга яшаётган экан. Шундай бўлса-да, А.Сергеев у билан алоқани узишни хоҳламади ва натижада ҳаёт билан видолашишига бир баҳя қолди._**

**Абдусаид АБДУРАЗАКОВ,**
Юнусобод туман прокуратураси терговчиси

Қирқ беш ёшни қаршилаган, 2 нафар фарзанднинг отаси бўлмиш Алимардон Самадов турмуши бўлмай ажрашганидан сўнг Юнусобод туманидаги кафелардан бирида ҳайдовчи бўлиб ишлаб юрган кезлари, шу ерда официантка бўлиб ишлайдиган Ильмира билан танишиб қолади. Уларнинг танишуви кейинчалик ишқий муносабатларга уланиб, бирга яшай бошлашади.

Таъкидлаш лозим, Алексей пайдо бўлгунига қадар ҳам уларнинг ҳаёти ҳавас қилгудек даражада эмасди. "Эр-хотин"нинг спиртли ичимликка бўлган "меҳри" аста-секинлик билан ўрталаридаги соф меҳрни емириб борар, жанжаллар тез-тез содир бўлиб турарди. Орада А.Сергеев пайдо бўлдию, шундоқ ҳам таранглашиб турган ришта узилди-кетди.

Ўша куни эрталабдан бошланган можаро ярим тунда жиддий тусда якун топди. Норасмий турмуш ўртоғининг қадам олишидан шубҳаланиб юрган Алимардон уйқудан тура солиб, Ильмирага қўнғироқ қилди. Унинг қаерда, нима иш қилаётгани билан қизиққан А.Самадов "хотини"дан жўяли жавоб ололмагач, И.Сидорованинг ишда ёки ишда эмаслигини аниқлаш мақсадида йўлга отланди. Йўл-йўлакай таёқ билан қуролланиб олди.

Кафе ташқарисида турган Ильмира шу томон таёқ кўтариб, важоҳат билан келаётган Алимардонга кўзи тушди-ю, ўзини ичкарига урди. Аммо унинг таъқибидан қутула олмади. А.Самадов қўлидаги таёқни ишга солиб, аёлни дўппослашга киришди. Кафедаги эркаклар ўртага тушиб, Алимардонни тинчлантиришди ва уйига жўнатиб юборишди.

Калтакланган аёл собиқ севгилисига қўнғироқ қилиб, бўлиб ўтган воқеани йиғлаганча гапириб берди. Бу гапдан жаҳли чиққан Алексей Алимардонни тартибга чақириб қўйишга бел боғлади. Аммо у "қаҳрамон"лиги ортидан "ажал" билан рўбарў келиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Шу куни соат тахминан 22:00ларда Алексей икки нафар оғайниси ва Ильмира билан деҳқон бозори олдига келди. А.Сергеев уларни бозорга кираверишда қолдириб, ўзи ичкарига кириб кетди.

Ильмиранинг ошиқлари бир-бирига яқинлашар экан, уларнинг важоҳатидан тинч йўл билан "музокара" олиб борилмаслиги кундек равшан эди. Ўртада келиб чиққан келишмовчилик, ур-тепга айланиб, Алимардон пичоқ билан рақибига оғир тан жароҳати етказади. Кўзи қонга тўлган А.Самадов Алексейнинг ҳаётига нуқта қўйишни мақсад қилганди. Яхшиямки, А.Сергеевнинг оғайнилари ёрдамга келиб, уни Алимардоннинг чангалидан қутқариб олишди-да, Алексейни зудлик билан шифохонага олиб боришди. Шифокорларнинг ўз вақтида кўрсатган ёрдамлари сабаб А.Сергеевнинг ҳаёти сақлаб қолинди.



Қилғиликни қилиб қўйган А.Самадов эса жазодан қутулиб қолиш учун яширинишга ҳаракат қилди. Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари давомида жиноятчи қўлга олинди, одил суд ҳукмига ҳавола этилди. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди томонидан А.Самадовга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

# Касб одоби ва маънавий комиллик

*Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли асаридаги "Ҳаммамизга маълумки, муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чақиради, лекин шу билан бирга, ҳаётда бу каби даъватларга амал қилишга интиладиган одам кўпинча турли қийинчиликлар, ҳатто азобу уқубатларга дуч келишини кузатиш қийин эмас. Тан олиш керакки, юксак маънавий тушунчалар билан яшашга ҳаракат қиладиган одамнинг бугун ҳам кўп машаққатларни, оғир синов ва тўсиқлар, муаммоларни енгиб ўтишига тўғри келади", деган таъкидларида гўзал ахлоқ ва маънавий камолотга эришиш осонлик билан бўлмаслигини кўрамиз.*

**Азимжон ЭРГАШЕВ,**
Бош прокуратуранинг
ОЎК ўқитувчиси

Дарҳақиқат, бизгача етиб келган барча муқаддас китобларда инсон фақат яхшиликка буюрилган ва ёмонликлардан қайтарилган. Уларда адолат ва тенглик бош мезон бўлиб, яхшилик мукофотсиз, ёмонлик эса жазосиз қолмаслиги уқтирилган.

Конституциямизда ва шу асосда қабул қилинган барча қонунларда худди муқаддас китобларда кўрсатилганидек, адолат ва қонун олдида барчанинг тенглиги бош мезон қилиб олинган. Бундан кўринадики, қонунларда муқаддас китоблар руҳи бор. Қонунлар талабининг бузилиши муқаддас китоблар талабларининг бузилиши билан баробардир.

Дунёда касбларнинг тури кўп. Албатта, уларнинг барчаси ҳам муҳим бўлиб, касб эгалари шу орқали ҳаётдаги маълум бир вазифани бажаради. Касблар ичида ҳуқуқшунослик касби эгаларига алоҳида масъулият юкланган. Чунки, жамиятимизнинг тартибга солувчи қонунларни оммага етказиш ва тушунтириш, уни ҳаётда қўллаш асосан ҳуқуқшунносларнинг вазифасидир. Айниқса, уларнинг ижросини таъминлаш ҳамда назорат қилиш прокуратура органлари ходимлари зиммасида бўлганлиги уларда маълум маънодаги маънавий жавобгарликни юзага келтиради.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишланган тантанали мажлислардан бирида сўзлаган нутқида: "Жамиятда Конституция ва қонунларга ҳурмат ва итоат билан қарашни тарбиялашда кўп нарса, аввало, давлат идораси — суд ва прокуратура бўладими ёки милиция ва адлия органлари бўладими — мана шу идораларда ишлайдиган хизматчиларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз даркор. Ҳеч шубҳасиз, айнан мана шу идоралар ва уларнинг ходимлари қонунга қандай муносабатда бўлаётганига қараб, барча фуқаролар қонунни ҳурмат қилиш, унга итоат этиш масаласини ўзи учун белгилаб олади", деб таъкидлаган эдилар.

Шундай ҳолатда прокуратура органлари ходимларининг ахлоқан гўзаллиги ва маънавий комиллиги қандай сифатларда ўз аксини топади?

Биринчидан, бундай сифатларга илм орқали эришилади. Илм эгаллаш инсоний бурч, юксак масъулиятдир. Илм ўзликни англаш, дунёни идрок этишнинг муҳим воситасидир. Кишининг билими қанчалик кўп бўлса, у шахс сифатида шунчалик ривожланган бўлади. У турли билимларни эгаллаб, ўзининг такомили устида ишласа, натижада нажот топиб, буюк неъмат ҳисобланган комилликка эришади.

Илм чексизликдир, унинг ниҳояси йўқдир. Ҳар бир инсон ҳаёти давомида ўзига керак бўладиган, оқу қорани ажратишга, ўзига манфаатни жалб қилиб, зарарни даф қиладиган даражадаги илмни ўрганиши зарурдир.

Дунёвий илмлар — табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонунларини очиб берувчи ҳамда атрофдаги муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар, фанлар тизимидир. Буларга аниқ, табиий ва ижтимоий юзлаб фанлар киради.

Булардан қайси бирлари кишининг касби билан боғлиқ бўлса, ўша фанларни чуқур ва мукаммал ўрганишга ҳаракат қилиш керак. Қолганлари тўғрисида эса, умумий тушунчалар бўлиши лозим.

Прокуратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2013 йил 30 декабрдаги 104-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ва муассасалари ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимларининг "Касб одобномаси" талабларига қатъий амал қилишлари лозим.

Касб одобномасининг 2-қисмида прокуратура органлари ходимларининг бурчлари белгилаб берилган. Унда инсон эга бўлиши керак бўлган барча ижобий хислатларни ўзида ҳосил қилиш ҳар бир прокуратура ходимининг касбий бурчи эканлиги белгилаб қўйилган.

Прокуратура ходимининг юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиши, яъни умумжаҳон эътироф этган инсоннинг сифати, эзгу хислатлари — меҳр-оқибат, мурувват, саховат, инсоф, диёнат, виждон, адолат, ростгўйлик, ҳалоллик, камтарлик, ваъдага вафо, софлик, поклик, ҳаё, ор-номус, ишчанлик, мардлик, ватанпарварлик, эътиқоднинг чин ва самимийлиги каби этика категорияларини ўзида мужассамлаштирган, ҳавойи нафсини тия оладиган, фидойи, ички гўзал маънавий оламга эга бўлган сифатларни ўз ичига олади.

Шунингдек, ўз вазифасини бажаришда холис, одил ва мустақил бўлиши, ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз бўлиши, ҳар бир топшириқни масъулият билан ҳалол ва виждонан бажариши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини холисона ҳимоя қилиши зарурдир.

---

*Юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни тобора юксалиб бормоқда. Соҳа ривожига қаратилган юксак эътибор туфайли мамлакатимизда ишбилармонлар сафи кенгайиб, мулкдорларнинг янги синфи шаклланди. Улар манфаати эса доимо давлат ҳимоясида.*

# Тадбиркорларга қулайликлар

**Аҳрорхон ЖЎРАХОНОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Сирдарё вилоят бошқармаси
бошлиғи

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Жумладан, мазкур Фармонда белгилаб қўйилганидек, 2015 йилнинг 1 июлидан шундай тартиб ўрнатилдики, унга мувофиқ, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилади. Шунингдек, молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати эса 10 кундан ошмайди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат сўнгги текширувдан кейинги даврни қамраб олади. Кўзғатилган жиноий ишлар муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳуқуқи муҳофаза қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъект жалб этган адвокатлар иштирокида (хўжалик юритувчи субъект томонидан ушбу ҳуқуқни рад этиш ҳолатлари бундан мустасно) амалга оширилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар, ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўлаган шахсга нисбатан жиноят иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликдан озод қилинади.

2015 йилнинг 1 июлига қадар "Ўзбектелеком" АК Қўнғироқларга хизмат кўрсатиш ягона маркази ва Бош прокуратура "Ишонч телефони" базасида давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашиши, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилишига доир масалалар бўйича мурожаатларни туну кун қабул қилиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш тизимини ташкил этиш ҳам фармонда белгилаб қўйилган. Шунингдек, мазкур фармон тадбиркорларимизга яна бир қанча қулайликларни тақдим қилди.

Фаолиятимизга тўхталадиган бўлсак, бошқармамиз ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 422 та ҳуқуқ тарғиботи тадбирлари ўтказилди. Мазкур соҳага оид қонунчилик тарғиботи юзасидан оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишлар ташкил этилмоқда.

Бошқармамиза тузилган ишчи гуруҳи томонидан вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам тадбиркорлик соҳасига доир 30 дан ортиқ учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Мана шундай учрашувларда 83 нафар фуқарога тадбиркорлик соҳасида иш бошлашда амалий ёрдам кўрсатилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларида 114 та янги иш ўрни яратилиб, маҳаллий ёшлар доимий иш билан таъминланди ва улар томонидан 130 млн. сўмликдан ортиқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Хусусан, Ховос туманида истиқомат қилувчи якка тартибдаги тадбиркор А.Алланазаровга кўрсатилган амалий ёрдам натижасида "Baxt-yorozod diyorim" МЧЖ ташкил этилди ва 3 та янги иш ўрни барпо қилинди.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятига мансабдор шахслар томонидан турли сунъий тўсиқлар яратилишига барҳам бериш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ширин шаҳридаги "Шоҳрух Демирбек" МЧЖ раҳбари Д.Саидазимовдан шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи С.Ҳайдаров бўш турган ер майдонида бекат қуриш учун жой ажратиб бериш ва бунинг учун шаҳар ҳокимининг қарорини чиқариб бериш эвазига 500 АҚШ доллари талаб қилган. Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда бу ҳолатга чек қўйилиб, айбдорларга нисбатан ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятимиз изчиллик билан давом эттирилмоқда.

---

# Ижтимоий шериклик — давр талаби

/Давоми. Бошланиши 7-бетда/

"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасига асосан, мамлакатда демократик ўзгаришларни янада ривожлантиришга ҳамда бунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирок этишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тузилиши қайд этилган. Мазкур жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда иштирок этишига кўмаклашиш мақсадида тузилиши белгиланган.

Парламент, маҳаллий кенгашлар мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, ислоҳотлар тарғиботчисига айланмоқда. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан жадал ва самарали илгарилаб бораётганлигимиз социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалар ривожида ўз ифодасини топмоқда.

Мазмун-моҳиятига кўра, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўймоқда.

Бу амалда фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлантиришни, унинг мамлакатни, маъмурий-ҳудудий тузилмаларни бошқариш жараёнига уйғун равишда интеграциялашувини англатади.

Шу нуқтаи назардан "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоат фондлари тузилиши мумкинлиги белгиланган.

Айниқса, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, соддалаштириш, айниқса давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёнида "манфаатлар тўқнашуви"га йўл қуймаслик, бир-бирини такрорловчи нормалардан воз кечиш, қонун нормаларини турлича талқин қилишнинг олдини олиш мақсадида қонунларга малакали шарҳлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Токи, бу институт ва ташкилотлар ижтимоий шериклик тизимида муносиб ўрин эгаллай олсин.

*Яқинда ҳали 21 ёшга тўлмаган бир йигит устидан суд ҳукми ўқилди. Унинг туриш-турмуши, жиноятга қўл уриши сабабларини мушоҳада қилар эканмиз, негадир хаёлимга "Бу — бефарқлик, тарбия борасидаги беписандлик", деган ўй келди.*

# Енгил ҳаёт оқибати

**Жамолиддин НИЗАМОВ,**
Поп туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Суд залида бошини эгиб ўтирган тўрақўрғонлик Илҳом Қундузов (исм-фамилиялар ўзгартирил-ган)нинг тенгқурларидан кўпчилиги олий ўқув юртида ўқияпти ёки бирор касб-корнинг бошини тутиб, меҳнат қилмоқда. Бироқ у бундай йўл тутмади.

Коллежни амал-тақал тугатгани етмаганидек, тайинли иш билан шуғулланмади, бекорчиликни, мақсадсиз кўча кезишни касб қилиб олди. Аввалига сигарета чекишни, спиртли ичимлик ичишни ўрганди. Кейинчалик буларга тоқат қилмай, кўнгли бошқа нарсаларни ҳам тусай бошлади...

Ўшанда қиш эди. Оқшом туша бошлагани учун ҳамма қаҳратон совуқдан қочиб, иссиқ уйига шошган пайт. Аммо Илҳомнинг кўнглида баҳор. У эрталаб бир аёл билан танишиб қолган, оқшом туман марказидаги поликлиника олдида учрашишга келишишган...

Аёл кўп куттирмади. Илҳом унинг қорасини кўриб, хурсанд бўлиб кетди.

— Бугун бир мириқиб "дам олайлик". Менда кўнгил чигилларини ёзадиган бир нима бор, — ишшайди Илҳом оғзининг таноби қочиб.

— Нима у? — аёл "спиртли ичимлик бўлса керак", деган хаёлга борди. Лекин Илҳомнинг қўлида ҳеч нима йўқ, чўнтаклари ҳам дўппайган эмасди.

— Мана, бундан тотиб кўрмабсиз, дунёга келмабсиз! — деди йигит ўзини қаҳрамонлардек тутиб ва чўнтагидан газета парчасига ўралган нарсани очиб кўрсатди.

— Нима бу? — яна сўради аёл.

— Эй, нима бало, дунёга ҳозир келганмисиз? "Нима у, нима бу", деяверасиз?! Наша бу, билдингизми, ёввойи наша баргининг қуритилгани!

Аёл тушунгандек бўлди. Аммо хаёлларини йиғиб олмасидан, уларнинг ёнида ИИБ ходимлари пайдо бўлишди. Айбини тан олмаслик бефойда эканини билган Илҳом қилмишига иқрор бўлди. Аниқланишича, унинг ёнидаги модда "марихуана" бўлиб, 4,07 грамм экан.

Суд И.Қундузовни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топди ва унга тегишли жазо тайинлади.



# Фирибгар қўшни

**Равшан НАМАЗОВ,**
Денов туман прокурори



*Сожида Бўронова айрим одамлар ўртасидаги пул олди-бердиси борасидаги гап-сўзларни кўп эшитарди-ю, аҳамият бермасди. Мана энди ўзи ҳам ўшаларнинг қаторига қўшилиб ўтирибди.*

Ҳаммаси қўшниси Сардор Ҳожиқулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг кириб келиши билан бошланди.

— Опажон, олдингизга бир илтимос билан келдим. Жудаям пул зарур бўлиб қолди. Кўп эмас, атиги 3 миллион 600 минг сўм. Пулингизни тезда қайтараман, мени яхши биласиз-ку! Агар керак десангиз, тилхат ҳам ёзиб бераман.

Кўздай қўшнинг илтимос қилиб турса, "йўқ" дейиш қийин экан. С.Бўронова айтилган пулни олиб чиқиб берди.

Август ойининг бошларида қўшни яна кириб келди. С.Бўронова қарзини олиб келгандир, деб суюнган эди, янглишган экан. Сардор бу сафар ҳам қарз сўраб келибди. Бир нималарни баҳона қилиб, 4 миллион сўмни қўлга киритгач, тилхат ёзиб берди.

Эртаси куни яна кириб келди-да, уйида қурилиш бошлаганини, бу юмуш анчайин қийин эканлигини айтиб, нолий бошлади. Ҳали 25 ёшга ҳам кирмаган йигитнинг ҳасратидан шунақанги "чанг" чиқдики, унинг гапларни эшитган С.Бўронова қандай қилиб яна 18 млн. 850 минг сўм пулини унинг қўлига тутқазиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Дарвоқе, Сардор бу сафар ҳам тилхат ёзиб беришни унутмади.

Орадан ўн кунча вақт ўтгач, "Каптива" русумли автомашина бошқариб келган Сардор машинанинг ҳужжатларини С.Бўроновага гаров сифатида бериб, тилхат орқали бу сафар ундан 35 млн. сўм пулни ундиришга муваффақ бўлди.

Афсуски, Сардорнинг қўшнисиникига ташрифлари шу билан тугамади. Бир ойлардан кейин пайдо бўлиб, С.Бўроновадан 6 млн. сўм пул олган Сардор, шу ойнинг ўзида тўйни баҳона қилиб яна 6 млн. сўмни қўлга киритади. Октябрь ойида эса "Нексия" русумли автомашина олмоқчи эканлиги, аммо пул етмаётганини айтиб, бу сафар 2 минг 500 АҚШ доллари билан 1 млн. 800 минг сўм пулни олиб, чиқиб кетади. Кейинчалик кириб келади-да, бу сафар "Ласетти" русумли автомашинага "ишқи" тушгани, аммо олишга пули етмаётганини, агар илгари олган пулларидан ташқари яна 14 млн. сўм бериб турса, қарзини битта қилиб қайтаришини, бу яхшиликлари эвазига ўша "Каптива"-ни унинг номига ўтказиб беришини, гаров сифатида ўзи қолдирган машинанинг ҳужжатларини вақтинча қайтариб беришни илтимос қилди.

Бир эмас, бир неча бор унинг гапларига ишонган С.Бўронова шу сафар ҳам унга ишониб, пул билан машинанинг ҳужжатларини ҳам топширади. Ҳужжатлар билан 14 млн. сўм пулни чўнтагига урган Сардор эса шу кетганча қайтиб қорасини кўрсатмади.

С.Бўронова шундан кейингина алданганини билиб қолди ва бу ҳақда тегишли идораларга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Қўшнисининг ишончини суиистеъмол қилиб, фирибгарлик йўлига ўтган Сардор Ҳожиқуловга суд томонидан қилмишига яраша жазо тайинланди.


Реклама (эълон)лар

**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!**

**"Effect Real Group" МЧЖда 2015 йил 14 июль куни соат 15:00да бўлиб ўтадиган очиқ танлов ва аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 12.06.2015 йилги 104 хус/б ва 105хус/б-сонли буйруғларига асосан қуйидаги "Давлат активлари" қўйилмоқда.**

**"Танлов" савдосига қўйилган "давлат активи"нинг тавсифи ва шартлари:**

**1. Марғилон шаҳар Янгиобод МФЙ Янгиҳаёт кўчасида жойлашган "Ошхона" бино-иншоотлари:**

"Давлат активи"нинг бошланғич баҳоси — **104 175 355 сўм.**

Минимал инвестиция киритиш суммаси — **50 000 000 сўм.**

Инвестиция киритиш муддати — 1 йил.

Умумий ер майдони — **322,71 кв.м.**

"Давлат активи" 1973 йилда қурилган, бир қаватли.

Балансда сақловчи: Марғилон шаҳар ҳокимлиги.

Фаолияти-ихтисослиги: умумий овқатланиш.

**Очиқ аукцион савдосига қўйилган "давлат активи"нинг тавсифи ва шартлари:**

**1. Фарғона вилояти Фурқат тумани Шоймбек қишлоғи жойлашган собиқ "Қўқон" ширкат хўжалиги "Маъмурий " бино-иншоотлари:**

"Давлат активи"нинг бошланғич баҳоси — **1 116 440 000 сўм.**

Умумий ер майдони — **7420,0 кв.м.**

"Давлат активи" 1981 йилда қурилган, ер тўласидан ташқари икки қаватли.

Балансда сақловчи: Фурқат туман ҳокимлиги.

Фаолияти-ихтисослиги: маъмурий бошқарув.

"Танлов" савдосига талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлар Фарғона шаҳар А.Навоий кўчаси 17-уй манзилида, Давлат рақобат қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси биносида 2015 йил 14 июль куни соат 15:00да очилади.

"Танлов" савдосига ҳужжатларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 14 июль куни соат 12:00 гача.

Шу куни "Танлов" савдоси бўлиб ўтмаганда такрорий савдолар 2015 йил 28 июль, 2015 йил 11 ва 26 август кунлари бўлиб ўтади.

Очиқ аукцион савдоси ҳам 2015 йил 14 июль куни соат 15:00да бўлиб ўтади.

Очиқ аукцион савдосига аризаларни қабул қилиш 2015 йил 13 июль соат 17:00гача.

Шу куни очиқ аукцион савдоси бўлиб ўтмаганда такрорий савдолар 2015 йил 28 июль, 2015 йил 11 ва 26 август кунлари бўлиб ўтади.

"Танлов" савдоси талабгори ёки унинг ваколатли вакили хабарномада белгиланган муддатларда "Савдо ташкилотчиси"га чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда, савдода қатнашишга буюртмаломани ва "Бизнес лойиҳа"ларни икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

"Танлов" савдоси талабгори томонидан тақдим этилган "Бизнес лойиҳа"нинг ҳар иккала нусхасини ҳар бир варағи муҳрланган ва имзоланган бўлиши керак.

Очиқ аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

Талабгорлар "Танлов" ва "Аукцион" савдоларига қўйилган мазкур "давлат активлари" бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини буюртмаломалар қабул қилинадиган охирги кунгача "Танлов ташкилотчиси"нинг "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 2020 8000 7049 4327 8001, МФО: 00500, ИНН 302 128 329 ҳ/р.га тўлашлари керак.

Белгиланган тартибга кўра, "Танлов" ва "Аукцион" савдосида ғолиб чиққан қатнашчига 20 кун ичида "Сотувчи" билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорларни қизиқтирган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил:**

**Фарғона шаҳар А.Фарғоний кўчаси 43-уй, 24-хона. Тел: +99895 404 54 84. Веб-сайт: www.effect.uz Лицензия 0094.**

**Хизматлар лицензияланган**

**«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ "Аукцион" савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига "Қўқон ёғ-мой" АЖнинг 2015 йил 19 июнь кунги 289-сонли хатига асосан жамият балансидаги Наманган вилояти, Поп тумани, Санг қишлоғида жойлашган қурилиши тугалланмаган "Болалар боғчаси" такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 299 047 212 сўм.**

Аукцион савдолари 2015 йил 10 июль куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2015 йил 9 июль куни соат 17:00гача қабул қилинади.

Савдога қўйилган объект ва унинг ҳужжатлари билан "Қўқон ёғ-мой" АЖда бевосита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 3 фоизи миқдорида закалат пулини тўлов ҳужжатида объектнинг номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг реквизитлари, ИИН: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари паспорт нусхаси, хорижий юридик шахслар уларнинг уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси, хорижий фуқаролар чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар яшаш гувоҳномаси билан хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади. Талабгор буюртмалома бериш ва савдода ҳамда савдо натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар ваколатли вакил томонидан қатнашганда ҳамда имзоланган тақдирда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

**Талабгорларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй. Тел: +99895 404-54-84 "EFFECT REAL GROUP" МЧЖ**

**Лицензия: RR-0094**

**Хизматлар лицензияланган**

**«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Қува туман ҳокимининг 26.05.2015 йилдаги 31ф-сонли фармойиши ҳамда 10.06.2015 йилдаги 1927-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

**1.** Қува тумани, Деҳқонобод ҚФЙ, Шўрмаҳалла қишлоғида "Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш" устахонаси қуриш учун **400,0 кв.м. ер** участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — **2 155 392 сўм.**

**2.** Қува тумани, Деҳқонобод ҚФЙ, Шўрмаҳалла қишлоғида "Қолипли нон ишлаб чиқариш" цехи қуриш учун **400.0 кв.м. ер** участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — **2 155 392 сўм.**

Мажбуриятнинг бошланғич ҳажми Қува туман архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртмаломаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 20 июль куни соат 17:00да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Қува туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 21 июль куни соат 10:00да очилади ва шу куни соат 16:00да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302128329, 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртмалома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закалат тўланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, 24-хона. Тел: +99895 404 54 84 Веб-сайт: www.effect.uz Лицензия 0094.**

**Хизматлар лицензияланган**



# Жисмоний шахслар учун омонатлар

Жисмоний шахслар учун омонатлар — бу сизнинг бўш пул маблағингизнинг нафақат кўпайиши, балки унинг хавфсиз сақланишидир.

**Сизнинг омонатингиз:**

- декларацияга киритилмайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинади;
- банк сири ҳисобланади.

Омонатларни қабул қилиш ҳажми чекланмаган.

Ипотека-банкдаги омонатингиз фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

IPOTEKA BANK

**Тел.: (371) 150-89-56** **www.ipotekabank.uz** **Хизматлар лицензияланган**

ASAKA BANK

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

## «Асака» банк жамоаси



мамлакатимизнинг барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан чин дилдан муборакбод этади! Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз ва қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этамиз:

### Миллий валютада:

**«ҚАДРИЯТ»**
Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«БАҲОР»**
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«ФАРОВОН ТУРМУШ»**
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

**«ТЕЖАМКОР»**
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.

### Хорижий валютада:

**«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида)**
Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«МАДАД» (АҚШ долларида)**
Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)**
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:**

- ☑ **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;**
- ☑ **маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;**
- ☑ **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;**
- ☑ **миқдори чекланмаган.**

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 40 дан зиёд омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 | Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

*"Асака" банк сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.*

www.asakabank.com **Хизматлар лицензияланган**

*Меҳнатсевар ва самимий инсон, прокуратура фахрийси Матназар Атабаев қутлуғ 70 ёшни қарши олмоқда. У меҳнат фаолияти давомида прокуратура тизимидаги турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасбларининг ҳурматига сазовор бўлди.*

# Қутлуғ айём



Ишчанлик, изланиш, самимийлик, фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Бугунги ёш ҳуқуқшунос ходимлар Матназар Атабаевни тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлайди.

Матназар Атабаевнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, у "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳурматли Матназар Атабаевич, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга тўкинлик тилаймиз!

**Бош прокуратура жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази**

*Журналнинг янги сони*

# Демократик ўзгартиришлар сари

*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази муассислигида ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳаммуассислигида чоп этилаётган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг янги 2015 йил 2-сони нашрдан чиқди.*



Журнал саҳифаларидан "Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда" рукни остида бир қанча мақолалар жой олган. Жумладан, Самарқанд вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Зойир Мирзаевнинг "Ҳуқуқий эксперимент: Самарқанд вилояти тажрибаси", Бухоро вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Муҳиддин Эсановнинг "Очиқ жамият сари: Бухоро вилояти тажрибаси", Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Азиз Абдуҳакимовнинг "Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликнинг ўрни", Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти катта илмий ходими-изланувчиси Темурбек Аметовнинг "Сайлов тизимини ислоҳ қилиш — демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги муҳим қадам" номли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистранти Эркинбой Абдуллаевнинг "Фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашда "электрон ҳукумат"нинг аҳамияти" сарлавҳали мақолалари чоп этилган.

"Юксак маънавият — енгилмас куч" рукнида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти "Умумназарий ҳуқуқий фанлар" кафедрасининг катта ўқитувчиси, подполковник Камол Усмоновнинг "Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг ахлоқий жиҳатлари" сарлавҳали мақоласи эълон қилинган.

Журнал мундарижасининг доимий рукнларидан бўлган "Инсон ва ҳуқуқ", "Назария масалалари", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда", "Хорижий давлатлар ҳуқуқи", "Тарих саҳифаларида" рукнларидаги мақолалар ҳам ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди.


*Реклама (эълон)лар*

AGROBANK

27 июнь — "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни" касб байрамингиз билан Сиз қалам аҳлини самимий муборакбод этамиз. Қалбингиздаги барча эзгу ниятларингиз амалга ошишини, ижодий ишларингизда ҳамиша муваффақият, оилавий ҳаётингизда эса бахт-саодат ёр бўлишини тилаймиз.

Уяли телефон орқали маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни Агробанк ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида жорий этилган "Мобил савдо" тизими орқали содда ва тез тўловни амалга ошириш хизматидан фойдаланинг.




Мобил савдо стикери мавжуд жойларда тўловни амалга оширишингиз мумкин.

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган


## «FAR PIRAMIDA INVEST» МЧЖ барча юридик ва жисмоний шахсларни очиқ танлов савдосига таклиф этади.

**I.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти, Бешариқ тумани ҳокимининг 03.06.2015 йилги №155/02-01-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда:

**1.** Ошхона ва омборхона қуриш учун Бешариқ тумани, Бешариқ шаҳар, Янги Ҳаёт МФЙ 2-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони **1 000 кв.м. ер** участкаси. Минимал қиймати — **727 240 сўм.**

**2.** Савдо дўкони ва омборхона қуриш учун Бешариқ тумани, Бешариқ шаҳар, Янги Ҳаёт МФЙ 2-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони **1 000 кв.м. ер** участкаси. Минимал қиймати — **727 240 сўм.**

**3.** Маиший хизмат шахобчалари қуриш учун Бешариқ тумани, Бешариқ шаҳар, Янги Ҳаёт МФЙ 2-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони **1 000 кв.м. ер** участкаси. Минимал қиймати — **727 240 сўм.**

**4.** Соғломлаштириш спорт мажмуаси қуриш учун Бешариқ тумани, Рапқон ҚФЙ, Шайтонкўл қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони **15 000 кв.м. ер** участкаси. Минимал қиймати — **8 933 400 сўм.**

**II.** Бешариқ тумани ҳокимининг 12.06.2015 йилги №164/02-01-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда:

**1.** Гўзаллик салони ва сартарошхона қуриш учун Бешариқ тумани, Қашқар ҚФЙ, Дашт қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони **216 кв.м. ер** участкаси. Минимал қиймати — **83 536 сўм.**

**2.** Автомобилларга енгил техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Бешариқ тумани, Рапқон ҚФЙ, Рапқон қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони **240 кв.м. ер** участкаси. Минимал қиймати — **92 818 сўм.**

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бешариқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 27 июль куни соат 18:00да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Бешариқ тумани ҳокимлиги биносида 2015 йил 29 июль куни соат 13:00да очилади.

Шу кунги савдога ариза тушмаган ер участкаларининг такрорий савдоси 2015 йил 12 август куни соат 13:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдога буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 10 август куни соат 18:00да тўхтатилади.

Конвертлар очилган санадан бошлаб 10 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ўтказиш комиссияси томонидан ғолиб деб топилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Асака банк" Фарғона филиали, МФО:00539, СТИР: 300353028, 22626000804602810001 ҳ/р.га тўлашлари лозим.

Талабгорлар танлов ҳужжатлари ва танловда иштирок этиш учун ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ахборот ва маслаҳат хизматларининг ҳар бирини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха; — танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш ва буюртманомалар, танлов таклифларини топшириш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси 35-уй, 7-хона, "Биржа маркази" биноси. Тел: (0-373) 244-01-41.**

**www.fer-piramida.uz Лицензия № RR 0131.**

**Хизматлар лицензияланган**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари Камолиддин Жавдановга отаси

**Холбой ЖАВДАНОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


Huquq yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Hakimboy HALIMOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85
E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[T] — tijorat materiali.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma S-3262. 47 374 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV
Navbatchi: O`.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617